3. Комилова Н.К., Мухаммедова Н.Ж., Сафарова Н.И., Зайнутдинова Д.К., Абдувалиева З.Л. "Ўзбекистоннинг нозоэкологик шароитини географик таҳлил қилиш асосида ихтисослашган хариталар ишлаб чиқиш (Жиззах ва Сирдарё вилоятлари учун)". География ва экология фанлар тизимининг долзарб муаммолари ва уларнинг ечимлари мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Гулистон, 2022.
4. Malkhazova S.M., Korenoy F.I., Petrova O.N., Gulenkin V.M., Karaulov A.K. Spatial-temporal analysis of the local spread of African swine fever in the Russian Federation in 2007-2015. *Moscow University Bulletin. Series 5: Geography*, (5): 33–42, 2017.
5. Kotova T. V., Malkhazova S. M., Tikunov V. S., Bandrova T. Visualization of public health. *GEOGRAPHY, ENVIRONMENT, SUSTAINABILITY* (IF 0.3), 10(4):27–42, 2017. <https://doi.org/10.24057/2071-9388-2017-10-4-27-42>
6. Malkhazova S. M., Mironova V. A., Shartova N. V., Pestina P. V., Orlov D. S. Health risks facing travelers to Russia with special reference to natural-focal diseases. *Travel Medicine and Infectious Disease* (IF 3.7 Q1 WoS 2015), (13):490–498, 2015. <https://doi.org/10.1016/j.tmaid.2015.09.007>



УДК 545,144

**Озодхон ҚЎЗИБОЕВА,**  
Қўқон давлат педагогика институти доценти, з.ф.н.  
E-mail: ozodhonqo'qon@mail.ru  
**Одина ИСРОИЛОВА,**  
Қўқон давлат педагогика институти талабаси

Б.ф.д., проф. В.Ю. Исоқов тақризи асосида

### ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ЛАНДШАФТЛАРИНИ ТАДРИЖИЙ ЎЗГАРИШИ БИЛАН ИҚЛИМИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Жанубий Фарғона ботиғи ландшафтларини тадрижий ўзгаришида иқлим кўрсаткичи таъсири ўрганилган. Ҳаво ҳароратини ўзгариши натижасида инсон хўжалик фаолиятига таъсири, дарё ва ер ости сувларининг динамик миқдори, атмосфера ҳавосига таъсири таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ландшафтларни тадрижий ўзгариши, глобал иқлим исиши, ер ости сувлари динамикаси, иқлимий ресурслар.

### ANALYSIS OF THE LINKS BETWEEN THE CLIMATIC INDICATORS WITH THE EVOLUTIONARY CHANGE OF THE SOUTHERN FERGANA LANDSCAPES

Annotation

The influence of climate indicator on the evolutionary change of the landscapes of the southern Fergana boar has been studied. The effect of air temperature changes on human economic activity, dynamic amounts of river and groundwater, atmospheric air were analyzed.

**Keywords:** evolutionary change of landscapes, global climate warming, groundwater dynamics, climate resources.

### АНАЛИЗ ВЗАИМОСВЯЗЕЙ КЛИМАТИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ С ПОСТЕПЕННЫМ ИЗМЕНЕНИЕМ ЛАНДШАФТОВ ЮЖНОЙ ФЕРГАНЫ

Аннотация

Изучено влияние климатического показателя на постепенное изменение ландшафтов болот Южной Ферганы. Проанализировано влияние изменения температуры воздуха на хозяйственную деятельность человека, динамическое количество речных и грунтовых вод, влияние на атмосферный воздух.

**Ключевые слова:** постепенное изменение ландшафтов, глобальное потепление климата, динамика грунтовых вод, климатические ресурсы.

**Кириш.** Жанубий Фарғона ботиғи ландшафтларида кейинги йилларда ишлаб чиқариш кучларини жадал сурьатлар билан ривожланиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмаслик, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадларида адир ва адир оралиги текисликларини ўзлаштириш, Қороқолпоқ ва Ёзёвон чўлларидаги куммасивлари ўрнига антропоген ландшафтларни кенгайиб бориши кузатилмоқди.

Фарғона ботиғида ишлаб чиқаришнинг муттасил тараққиёти, атроф-муҳитга антропоген таъйикнинг кучайиши, саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалигининг турли чиқиндиларини табиий муҳитга бетўхтов чиқарилиши худудда экологик вазиятни 70-80-йилларда жиддийлашувига олиб кела бошлади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошларида табиат муҳофазаси масалалари ҳамда экологик вазиятнинг жиддийлашуви Фарғона ботиғида эндигина кун тартибига қўйила бошлаган эди. Мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг географик аспекти, суғориладиган минтақада антропоген омил таъсирида ландшафтларнинг ўзгариши ва унинг экологик оқибатлари тўғрисида Ю.Султонов (1973, 1989), А.Мақсудовнинг илк бор илмий фикрлари эълон қилинди.

80-йилларнинг охирида Ю.Султонов (1989) Фарғона ботиғида юзага келган худудий ҳамда маҳаллий экологик аҳвол ва табиат муҳофазаси муаммоларини ташвишланган ҳолда атрофлича ва чуқур таҳлил қилди. Масалан, конус ёйилмаларидаги барча саноат шаҳарлари (Қўқон, Янгикўқон, Фарғона, Қувасой ва ҳақозо) ер ости ва ер усти сувларини ўз чиқиндилари билан ифлослай бошлади, бу жараённинг олди олинмас, гидроэкологик муаммо микёси келажақда ортиб, худудий муаммога айланади ва бошқ.

**Тадиқот методологияси.** Бугунги кунда содир бўлаётган глобал исиш шароити Жанубий Фарғона ботиғи худудларини ҳам четлаб ўтмаган. Бунинг оқибатида ўртача ҳароратнинг кўтарилиши жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳаво ҳароратини исиб бориши дарёлар сув оқимларига таъсир эътиб, экстремал об-ҳаво ходисалари, узок йиллар давомида кузалиётган қурғоқчилик ва ёгинларнинг цикллари ўзгаришига олиб келмоқда. Ҳаво ҳароратини ортиб бориши Олой тоғидаги музлик ва қорларини эриши натижасида 1997 йил июнь ойида Шохимардон қишлоғини ярим кечасида Оқдарё ўзанида сув кўпайиб, сув тошқинига сабабчи бўлган. Қишлоқ сув остида қолади, автовакзал, болалар боғчаси ва бошқа жойларни сув ювиб, тоғларнинг юқори қисмидан тушаётган харсанг

тошлар билан тўлдириб қўйган. Иқлимнинг ўзгариши ландшафтларнинг турли компонентларини динамик ривожланишига таъсир эътмай қолмайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон худудида иқлим ўзгариши борасида олиб борилган мониторинг маълумотлари XX аср ва XXI аср бошларида харорат кўтарилишини турғун ҳолатини кўрсатмоқда. Лекин, сўнги ўн йиллар давомида ўсиш суръати 0,2С дан ошганлиги таъкидланмоқда. Иқлимнинг исини ландшафт комплексларига таъсир этиб, ёз ойларида қурғоқчиллик ва жазирамани кучайтиради. Фаслларда кечаётган ритмикликни ўзгаришига олиб келади. Жанубий Фарғона ботиғининг жанубий қисмидан ўраб турган Туркистон ва Олой каби баланд тоғлардаги музликларни эришини тезлатиб юборди.

Жанубий Фарғонаботиғида иқлим ўзгариши, ёзнинг баланд харорати, кучли шамолларнинг тез –тез такрорланиб туришининг саломатлигига салбий зиён етказувчи чанг миқдорини кўпайишига олиб келмоқда. Тупроқ юзасидаги парланишни тезлаштириб, физик нураш авж олиши натижасида қишлоқ хўжалик экинларини ривожланишига ва ҳосилдорликни камайишига сабабчи бўлади. Тупроқларда ва атмосфера таркибида намликни камайиши дарё дельталарининг қуришига, ўсимлик турларини камайиб кетишига ва турли таман касалликларни ривожланишига сабабчи бўлади. Тупроқда намликни камайиши ҳисобига тупроқлар шўрлашиб, айниқса Сўх, Шохимардон, Оқбура каби дарёларнинг қуйи қисмларида экинлар ҳосилдорлигига жиддий хавф солмоқда.

Фарғона ботиғининг чўл, адир, тоғ, яйлов каби баландлик минтақаларида турли табиий ва табиий-антропоген геотизимлар шаклланган. У қадимдан суғориб келинаётган воҳа, аҳолиси тез ўсаётган ва зич яшаётган, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланган индустриал-аграр райондир. Шу сабабли Фарғона ботиғининг табиати антропоген таъсир натижасида ўзгаришларга учраб, йилдан-йилга унда ноқулай геозэкологик муаммолар туғилмоқда.

Водий худудда олиб борилаётган табиий географик ва геозэкологик тадқиқотларнинг асосий вазифаси ундаги табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, геотизимларнинг табиий эволюцияси ва антропоген таъсир тенденцияси нисбатини оптимал қулайликда сақлашга имкон берадиган усуллар ва тадбирларни ишлаб чиқиш учун геотизимларнинг ҳозирги ҳолатини баҳолашдир. Бунда геотизимларнинг ҳосил бўлишида ва инсон хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган салбий экологик оқибатларни бошқаришда табиий компонентларнинг ролини ва аҳамиятини аниқлаш муҳимдир.

Фарғона ботиғида геозэкологик муаммоларини ечишда ҳозирги экологик ҳолатнинг худудий тарқалиш хусусиятларини ўрганиш ҳам зарурдир. Чунки, ҳар бир геотизимга қилинаётган антропоген таъсирнинг тури ва кўлами ҳамда бу таъсирга нисбатан геотизимнинг барқарорлик даражаси ҳар хил бўлади.

Демак, ҳар бир геотизимда экологик вазият ва уни оптималлаштириш йўллари ҳам турлича бўлади. Жумладан, водийнинг чўл воҳа геотизимларида атмосфера ҳавоси, сувлар, тупроқ қопламанинг ифлосланиши, ер ресурсларининг сув ва шамол эрозияси, суффузия, шўрланиш, захланиш, ботқоқланиш, зичланиш ва бошқалар таъсирида қисқариши ёки ёмонлашуви, экинлар, табиий ва табиий-антропоген геотизимлардаги ўсимлик, ҳайвонот дунёси таркибининг ўзгариши, сув ҳавзаларини эфтрофланишуви ва бошқалар билан изоҳланади.

**Хулоса ва тақлифлар.** Худуд ландшафтларини тадрижий ўзгариши билан иқлимий кўрсаткичларни ўртасидаги боғланишлар таҳлили ўрганиб қуйидагича хулосаларга келишимиз мумкин:

Ҳаво хароратини кўтарилиши ер ости сувларининг буғланиш коэффициентини ошишига, ўсимликларни ўсиши учун намлик даражасини пасайишига таъсир этмоқда;

50-60 йилларга нисбатан кейинги йилларда ёғин миқдори камаймоқда. Масалан Бешариқ шахрига ўртача 100 мм ёғин ўрнинг 75-80ммни ҳам ташкил этмапти;

Шамолларни тезлигига ва ритмиклик циклига таъсир этмоқда;

Тупроқларда намликни камайиши ҳисобига, қурғоқчиллик хавфи кўпаймоқда. Иқлимшунос олимларнинг фикрича қурғоқчиллик ҳар 10 йил ичида ҳар уч йилда такрорланиб туради

Исфара, Сўх, Шохимардон каби дарёларнинг сув миқдори кўпайишига, Исфайрамсой, Оқбура ва Қуршаб дарёларининг сув баланси камайиб кетишига олиб келади;

Адиқлар ва пролювиал тексликлар ва чўллардаги қум зарраларини янада майдаланиши натижасида атмосфера ҳавоси таркибида чинг зарраларини кўпайишига олиб келади;

Тупроқларда ер ости сувларини буғланиши натижасида тупроқларни шўрланиши кузатилиб, шамол ёрдамида туз зарралари атмосфера таркибига қўшилиб инсон организмда ҳар-хил касалликлар кузатилишига олиб келади.

Ландшафтларда бундай иқлимнинг тадрижий ўзгариши натижасида Жанубий Фарғона ботиғида ёғинлар миқдоридидаги ўзгаришлар, қишдаги баъзи вақтларда қаҳратон қуруқ совуқ бўлиши, хароратнинг нормал ҳолатига нисбатан баҳор эрта, куз эса кечроқ келиши кузатилади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Айзенштат Б.А. Биоклиматический атлас Средней Азии. – М.: 1973. –156с.
2. Abdulkasimov A., Yarashev Q., Meliyev B. Landschaft komplekslarini kartalashtirishning dolzarb muammolari// SamDU ilmiy tadqiqotlar axborotnomasi. – Samarqand, 2016. 1-son (95), 100-104 b.
3. Burrough P.A. Principal of Geographical Information Systems for Land Resources Assessment// - Oxford: Clarendon Press, 1988. – 194 p.
4. Eichorn G. Grundlagen eines Landinformationssystems // Aiiг Vermess. – Nachr. – 1979. – Vol.86, №1.
5. GIS awareness in agricultural research // Environment Information and Assessment Tech. Rep. UNEP. -1997. -Vol. 946 p.
6. Le Bas C., Jamagne M. Soil databases to support sustainable development // Joint Research Senter-IRSA. – Orleans, 1996. – 149 p.
7. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан. – Ташкент, 2000, - 252 с





551.24(1/9)+624.131.1(575.14)

**Элбой ҚУРБАНОВ,**

«ГИДРОИНГЕО» Институту давлат муассасаси катта илмий ходими

E-mail: [elboy.qurbonov@mail.ru](mailto:elboy.qurbonov@mail.ru)

**Жаҳонгир БОЛТАБОЕВ,**

«ГИДРОИНГЕО» Институту давлат муассасаси кичик илмий ходими

E-mail: [boltabotev-1986@mail.ru](mailto:boltabotev-1986@mail.ru)

**Ҳасан ТУРОПОВ,**

ТошДТУ магистранти

**Олим АШУРОВ,**

«ГИДРОИНГЕО» Институту давлат муассасаси I-тоифали муҳандис-гидрогеолог

E-mail: [ashirov S @ mail.ru](mailto:ashirov S @ mail.ru)

«ГИДРОИНГЕО» Институту давлат муассасаси 2-м.ф.н.мзоди Ахунжанов А.М. тақризи асосида

### ASSESSMENT OF ENGINEERING AND GEOLOGICAL CONDITIONS OF MINES IN THE EXPLORATION PROCESS (ON THE EXAMPLE OF KHODJADIK DEPOSIT).

Abstract

The article analyzes the changes in the engineering-geological conditions of the Khodjadik deposit by analyzing the impact of compressive forces on the deformation of rocks during mining operations and the change in depth.

**Key words:** Rock labeling, fragmentation, mining construction, rock, collapse, spill, strength, deformation, potential stability.

### ОЦЕНКА ИНЖЕНЕРНО-ГЕОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ МЕСТОРОЖДЕНИЯ В ПРОЦЕССЕ РАЗВЕДКИ (НА ПРИМЕРЕ ХОДЖАДЫКСКОГО МЕСТОРОЖДЕНИЯ).

Аннотация

В статье анализируются изменения инженерно-геологических условий Ходжадыкского месторождения путем анализа влияния сжимающих усилий на деформацию горных пород при горных работах и изменение глубины.

**Ключевые слова:** Трещиноватости горных пород, дробление, горное выработки, порода, обрушение, вывал, прочность, деформация, потенциальная устойчивость.

### ҚАЗИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИДА КОНЛАРИНИГ МУҲАНДИС-ГЕОЛОГИК ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШ (ХОДЖАДИК КОНИ МИСОЛИДА).

Анотация

Мақолада Ходжадик конининг муҳандис-геологик шароитининг ўзгаришига кон қазииш ишларини олиб бориш жараёнида тоғ жинсларининг деформация жараёнларига учраши ва бу жараёнларининг содир бўлишида босим кучининг таъсири таҳлил қилиниб чуқурлик бўйича ўзгариши баҳоланган.

**Калит сўзлар:** Тоғ жинслари ёрликлиги, бўлаканиш, кон иншоти, тоғ жинси, қулама, тўкилма, мустаҳкамлик, деформация, потенциал барқарорлик.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий минерал хомашё базасини қўпайтириш ва ривожлантиришда янги конларни қидириб топиш ва янги конларни ишга туширишни талаб қилади, уларнинг самарадорлигини ошириш ва хавфсиз қазиб олишда, биринчи навбатда муҳандис-геологик шароитларни ўрганиш, билиш ва баҳолаш ишлари билан белгиланади [2]. Биз ўрганаётган фойдали қазилма конларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки – тоғ жинсларининг тузилиши турличадир, литологик тури, таркиби, генезиси, табиий шароитнинг ўзгариши, ер ости сувларининг ҳосил бўлиши билан баҳоланади [3].

Табиий шароитлардаги муҳандис-геологик ҳолатининг ўзгариши, конларни қазиб олиш билан боғлиқ жараёнларнинг ривожланиши, конларда қазииш ишлари олиб борилганда штольня, қвершлакларнинг юқори қисми деворларидаги (томи) барқарорлигини баҳолашдир.

Тоғ жинслари массасининг ҳолати тоғ жинсларининг муҳандис-геологик хусусиятлари ва уларда бўлаётган жараёнларнинг ўзгарувчанлиги натижалари бўйича баҳоланади. Ушбу баҳолаш ишлари хариталар ва бўлимларида тавсифланади.

Ўрганилаётган майдоннинг тоғ жинслари интенсив дарзланган тоғ жинслари зоналари, тектоник бузилишлар, майдалаш зоналари мавжудлиги билан ажралиб туради, бу эса муҳандис-геологик хусусиятларининг ўзгарувчанлик даражасини белгилайди.

**Горизонтал қазииш ишлари олиб борилаётганда штольня, қвершлаг деворларининг барқарорлигини баҳолаш.**

Кон ишларининг юқори қисми ва ён деворларининг мустаҳкамлик барқарорлик даражаси сифат ва миқдорий жиҳатдан баҳоланади. Сифатли баҳолаш конларни қазиб олишдан кейин тоғ жинсларининг хусусиятларига қараб таъсир қилувчи аниқланган омиллари таҳлилига асосланган. Бу омиллар асосан ёриқлар ва тўхтовсиз бузилишлар, заифлашган майдонларда тоғ жинслари механик хусусиятларининг заифлашиши, тоғ жинси ёриқларидан сув чиқиши ва тоғ жинсларида бўлаканиш жараёни рўй бериши мавжудлигидир. Бундан ташқари, турли хил деформацияларнинг

ривожланиши натижасида тоғ жинси массаси ичидаги мувозанатнинг ўзгариши, коннинг ривожланиши ва техник шароитларнинг катта аҳамиятга эга бўлишидадир.

Ер ости кон ишларининг барқарорлигини миқдорий баҳолаш уларнинг юқори қисми деворларини таснифлаш шароитларига (хусусиятларига) кўра таснифлашга асосланган бўлиб, улар кон ишларида (S) кўрсаткич бўйича казиш ишларининг юқори қисми деворларида потенциал барқарорлигининг коэффициенти асосланади.

Ушбу коэффициент куйидаги 4.2-формула билан аниқланади:

$$4.2 - \text{формула } S = \frac{m * \delta_{сж} * R}{H * \gamma * q}$$

$m$  – маъдан танаси ёки тоғ жинси қатлам қалинлиги;

$\delta_{сж}$  – табиий ёки сув билан тўйинган ҳолатдаги тоғ жинсларнинг сиқилиш кучи МПа;

$R$  – кон ишлари деворлари шаклининг сиғими (сечение) (6,4-7,2м<sup>2</sup>);

$H$  – ер сатҳидан горизонтгача бўлган чуқурлик (кўриб чиқилаётган блок), метрда;

$\gamma$  – кон иншооти деворларидаги тоғ жинсларнинг ўртача зичлиги, (умумий оғирлиги) г/см<sup>3</sup>;

$q$  – дарзлар зичлиги тоғ жинсларининг дарзланиш коэффициенти;

С.И.Малениннинг тавсифи бўйича кон ишларининг юқори деворларидаги тоғ жинсларининг мустаҳкамлигини типларга ажратиш бўйича куйидагича тоифаларга ажратилган (1-жадвал).

1-жадвал

Кон иншооти юқори қисми деворларининг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоифага бўлиниши

	Мустаҳкам, бардошлилик бўйича тоифага ажратилиши	Мустаҳкамлик бўйича потенциал барқарорлик коэффициенти кўрсаткичлари «S»
1	Жуда мустаҳкам эмас	0,8 гача
2	Мустаҳкам эмас майдон	0,8-1,1
3	Кам мустаҳкам майдон	1,1-2,0
4	Ўртача мустаҳкам майдон	2,0-3,0
5	Юқори мустаҳкам майдон	3,0-5,0

Ушбу кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китоблар учун танланган жойларни ўрганишда шуни инобатга олган ҳолда ҳисоблаш керакки, тоғ жинсларининг икки шароитда ўлчанганлиги, яъни табиий ва сув билан тўйинган ҳолатида ўлчанган кўрсаткичи бўйича амалга оширилади [1].

Ходжадик кони 3-штольня 1286,4м мутлоқ баландликда жойлашган 5-геологик қирқим бўйича олинса 3-штольня атрофидаги баландлик 1450м ташкил қилмоқда (1450-1286=164м) геологик харита бўйича энг баланд нукта 1550м ташкил этмоқда (1550-1286=264м).

Бу конда шуни тақидлаш керакки, тоғ жинсларининг ривожланиши барча литологик турлари бўйича тик ва горизонтал равишда ривожланган. Шунинг учун ҳисобланган қийматлар ҳар бир кон учун горизонтал равишда берилган. Бундан ташқари, горизонтдаги тоғ жинсларининг ҳисобланган қийматлари табиий (курук) ҳолатда лаборатория шароитида ўлчанган маълумотлари келтирилган. Юқорида келтирилган 2-3-жадваллардаги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, оҳақтош чуқурлик бўйлаб қазилганда мустаҳкамлиги тезда ўзгариб борар экан.

2-жадвал

Тоғ жинслари табиий ҳолатда бўлганда кон иншоотининг мустаҳкамлик даражасини баҳолаш.

1	2	3	4	4	6	7	8
Горизонтнинг мутлоқ баландлиги	Тоғ жинсларининг номланиши	Кон атрофи баландлигидан кон иншоотигача бўлган масофа	Тоғ жинслари табиий ҳолатда ўлчанганда мустаҳкамлик коэффициенти «S»	Кон иншооти юқори қисми деворларининг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоифаларга ажратилиши	Мутлоқ баландликдан кон иншоотигача бўлган масофа (м).	Тоғ жинслари табиий ҳолатда ўлчанганда мустаҳкамлик коэффициенти «S»	Кон иншооти юқори қисми деворларининг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоифаларга ажратилиши
<b>ХОДЖАДИК КОНИ</b>							
+1286 м	Доломитлашган оҳақтошлар	164 м	5,1	Юқори мустаҳкамликда	264 м	3,1	Юқори мустаҳкамликда
	Дарзланган оҳақтошлар	164 м	1,7	Кам мустаҳкамликда	264 м	1,5	Кам мустаҳкамликда

	Гранодиорит	164 м	4,1	Юқори мустаҳкамликда	264 м	3,1	Юқори мустаҳкамликда
--	-------------	-------	-----	----------------------	-------	-----	----------------------

Ҳисоб-китоб натижалари орқали шуни таҳлил қилиш мумкинки, кон деворларидаги қолган барча тоғ жинсларига чуқурлик бўйича босим таъсир қилганда мустаҳкамлик даражаси унча катта ўзгармаган [4].

#### Кон деворларидаги тоғ жинсларига босим кучининг тушушини баҳолаш

Ходжадик қонида кидириш вақтида кон қазиларда муҳандис-геологик жараёнларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, деформациянинг катталаниши заифлашган зоналарнинг мавжудлиги ва уларнинг қалинлиги, тоғ жинсларда сувнинг тўйинганлиги, конларда қандай қазиларнинг олиб борилиши ва тоғ жинслари дарзларининг йўналишига боғлиқдир. Деформациялар ривожланишининг асосий сабаби – ер ости бўшлиғининг кетма-кет шаклланиши туфайли босимнинг қайта тақсимлаш натижасида бошқатдан пайдо бўлган куч тоғ жинсларига босим билан таъсир этишидир. Маълумки, босим доимий равишда тоғ жинсларида бўлади. Қазилар олиб боришда (шахта, штольня ва бошқаларда) доимий равишда босим бўлиб туради. Натижада қулай, мустаҳкам бўлмаган зоналарда босим яхши таъсир қилади. Босим ва зўриқишлар ортиб борадиган жойларида структуравий блокларда кичикроқ қатламларга бўлинади, охири оқибат дарзлар ҳосил бўлиб, тушаётган куч зонаси мувозанат ҳолатига тушади [5].

3-жадвал

Тоғ жинслари сувга тўйинган ҳолатда бўлганда кон иншоотининг мустаҳкамлик даражасини баҳолаш.

Горизонтнинг муғлок баландлиги	Тоғ жинсларининг номланиши	Кон апрофи баландлигидан кон иншоотигача бўлган масофа	Тоғ жинслари сувга тўйинган ҳолатда ўлчанганда мустаҳкамлик коэффициенти «S»	Кон иншооти юқори қисми деворларнинг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоғларга ажрალიши	Муғлок баландлиқдан кон иншоотигача бўлган масофа (м).	Тоғ жинслари сувга тўйинган ҳолатда ўлчанганда мустаҳкамлик коэффициенти «S»	Кон юқори қисми деворларнинг мустаҳкамлик даражаси бўйича тоғларга ажрალიши
1	2	3	4	5	6	7	8
<b>ХОДЖАДИК КОНИ</b>							
+1286	Доломитлашган оҳактошлар	164 м	3,6	Юқори мустаҳкамлик да	264 м	2,2	Ўртача мустаҳкамликда
	Дарзланган оҳактошлар	164 м	1,3	Кам мустаҳкамлик да	264 м	0,83	Мустаҳкам эмас
	Гранодиорит	164 м	3,2	Юқори мустаҳкам	264 м	2,3	Ўртача мустаҳкам

Биз қуйидаги И.Г.Гончаров томонидан келтирилган 1-формула орқали тоғ жинсларинг куч таъсир этганда мустаҳкамлик ўзгаришини аниқлашимиз мумкин.

$$[\sigma] + \sigma_3 \geq \mu(\sigma_1 + \sigma_2), \text{ бунда;}$$

$\sigma_1, \sigma_2, \sigma_3$  – асосий нормал кучланишлар;

$[\sigma]$  – тоғ жинсининг мустаҳкамлик даражаси;

$\mu$  – тоғ жинслари кучланишининг Пуассон коэффициенти 2-формула).

$$2 - \text{формула } \mu = \frac{1 - \sin\varphi}{1 + \sin\varphi} * \sin\varphi,$$

$\varphi$  – ички ишқаланиш бурчаги.

Кучланиш қийматлари қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$\sigma_3 = \sigma_2 = \gamma H$  ўқи  $\sigma_1$ , горизонтал текислик бўйича ётади (3-формула).

$\sigma_2 = \gamma H \frac{1 - \sin\varphi}{1 + \sin\varphi}$ ,  $\sigma_1$ , вертикал ўқ бўйича ётиши.  $\sigma_1 = \gamma H$  3-формула).

$$3 - \text{формула } \sigma_3 = \frac{2\gamma H\mu}{1 + \sin\varphi}$$

Бунда;  $\varphi$  – тоғ жинсларнинг ички ишқаланиш бурчаги;

$\gamma$  – умумий оғирлик;

$H$  – кон қазиш ишлари жойлашган горизонт чуқурлиги.

И.Г.Гончаров тенгламасига кўра, дарзланган тоғ жинсига куч таъсир этишини таҳлил қилинган формуласи орқали келгусида кон қазиш ишларининг барқарорлигини баҳолашга қаратилган ҳисоб-китобларни амалга оширишимиз мумкин бўлади (4-жадвал).

Кучланишни ҳисоблаш конларда муҳандис-геологик жараёнларнинг ҳосил бўлиш шароитларига қараб амалга оширилади. Шу муносабат билан ҳисобланган қийматлар табиий равишда учрайдиган тоғ жинслари учун танланади, худди шу тоғ жинси намланган, бузилган ҳамда дарзланганлик даражасига қараб ҳисоб-китоблар табиий ва сув билан тўйинган ҳолатда амалга оширилади.

Ушбу зоналардаги тоғ жинсларининг муҳандис-геологик хусусиятларини таҳлил қилиш барча литологик тоғ жинсларнинг фарқларда ўзига хос қийматлари бир бирига жуда яқин. Шунинг учун ҳисоблашда тоғ жинсларининг кўшимчалар қўшилишидан қаътий назар уларнинг арифметик ўртача қийматини танлаб оламиз.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Маленин С.И. Геологические основы прогноза поведения пород в горных выработках. – М.: Недра,– 1970. –192 с.
2. Мирасланов М.М., *Закиров М.М.* Инженерно-геологические процессы, развитие на месторождениях твердых полезных ископаемых Узбекистана: оценка и прогноз. – Т.: ГП «Институт ГИДРОИНГЕО»,– 2015.– 165с.
3. Мирасланов М.М. Инженерная геология, гидрогеология месторождений твердых полезных ископаемых Узбекистана: Т.:ГП «НИИМП»,– 2011.– –228 с
4. Курбанов Э.Ш., *Ахунжанов А.М., Исомиддинов Ё.Я.* Прогноз и оценка инженерно-геологических условий и влияние нарушенности и трещиноватости при освоении месторождения Ходжадык. // Инновацион технологиялар журналы Қарши 2021й 1-сон 3–6 б.
5. Kurbanov E.Sh. Engineering and geological conditions for the stability of mine workings during development (forexample, the tungsten deposit Khodjadik). // International Journal of Geology, Earth & Environmental Sciences Centre for Info Bio Technology, Jaipur, –INDIA,– 2020 y, May–August, pp.158–163.



УДК:550.34.013.2

**Qodir QO'CHQOROV,**  
*O'zbekiston Milliy universiteti magistranti*  
E-mail: [Nematov90@inbox.ru](mailto:Nematov90@inbox.ru)  
**Xusniddin SUYUNOV,**  
*O'zbekiston Milliy universiteti magistranti*

*FA Seysmologiya instituti Eksperimental seysmologiya laboratoriyasi mudiri f.m.f.n A.H.Ibragimov taqrizi asosida*

### SEYSMIK STANTSİYALARNING SAMARADORLIGINI BAXOLASH VA UNING USLUBIYATI (FARG'ONA VODIYSI MISOLIDA)

Аннотация

Farg'ona vodiysida joylashgan seysmik stantsiyalarning samaradorligini baholash yillar davomida respublikada joylashgan xar bir geodinamik poligonlar uchun alohida hisoblab chiqilgan. Jumladan Farg'ona vodiysidagi seysmik stantsiyalar samadorligini baxolashda xududda joylashgan 11 ta seysmik stantsiya ma'lumotlaridan foydalanilgan. Farg'ona vodiysida faoliyat yuritayotgan seysmik stantsiyalardan Shoximardon va Chimyon stantsiyalari yuqori samarali Namangan va Andijon stantsiyalari samarasi juda past ekanligi namoyon bo'ladi.

**Kalit so'zlar:** Seysmik stantsiya, prognoz, optimallik, katalog, geodinamik poligon.

### EFFICIENCY OF SEISMIC STATIONS AND ITS METHOD (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY)

Abstract

The efficiency assessment of seismic stations in the Fergana Valley has been calculated separately for each geodynamic landfill in the country over the years. In particular, data from 11 seismic stations in the Fergana Valley were used to assess the effectiveness of seismic stations. Of the seismic stations operating in the Fergana Valley, the Shokhimardon and Chimgan stations have the highest efficiency, while the Namangan and Andijan stations have the lowest efficiency.

**Keywords:** Seismic station, forecast, optimality, catalog, geodynamic polygon.

### ЭФФЕКТИВНОСТЬ СЕЙСМИЧЕСКИХ СТАНЦИЙ И ЕЕ МЕТОДИКА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)

Аннотация

Оценка эффективности сейсмостанций в Ферганской долине рассчитана отдельно для каждого геодинамического полигона страны по годам. В частности, для оценки эффективности работы сейсмостанций использовались данные 11 сейсмических станций Ферганской долины. Из сейсмостанций, работающих в Ферганской долине, наибольшую эффективность имеют станции Шохимардон и Чимен, а наименьшую эффективность имеют станции Наманган и Андижан.

**Ключевые слова:** Сейсмостанция, прогноз, оптимальность, каталог, геодинамический полигон.

**Kirish.** Ushbu yo'nalishdagi ishlarning dolzarbligi global [Kondorskaya, Aranovich 1970, 1971, 1972] va mintaqaviy miqyosda [Aranovich, Dubinskiy] seysmik kuzatuv tarmoqlarining samaradorligini baholash bilan bog'liq o'tgan asrning bir qator nashrlari bilan tasdiqlanadi. [1972; Aranovich, Kondorskaya, 1977; Skoko, Sato, 1965, 1966; Skoko, Sato, Ochi, 1967]. Xususan, Z.I.Aranovich va I.B. Dubinskiy ushbu ishda [Aranovich, Dubinskiy, 1972], mavjud va prognoz qilinayotgan stantsiyalarning joylashuviga va stantsiyalardagi S-P xatolariga qarab, olingan analitik yechim asosida uchta stantsiyaning mumkin bo'lgan kombinatsiyasi uchun epitsentrlarning koordinatalarini va chuqurlikni aniqlashdagi xatolar taxmin qilinadi. Bunday holda, natijalarni taqqoslash xatolarning ekstremal qiymatlariga asoslanadi. O'zbekistonda seysmik kuzatuv tarmog'ining samaradorligini keyingi baholash Z.I. Aranovich, T.U. Ortiqov, tomonidan yangi algoritm asosida amalga oshirildi. Bu energiya reprezentativligini aniqlash va Markaziy Osiyodagi seysmik kuzatuv tarmoqlari tomonidan yaqin atrofdagi zilzilalar manbalarining koordinatalarini aniqlashdagi xatolarni o'rganishdir [Aranovich Z.I. va boshqalar, 1977; Aranovich Z.I., Kondorskaya N.V. 1977; T.U. Ortiqov 1983].

1976 yilda matematik fizikaning teskari masalalarini yechish barqarorligini maksimal darajada oshirish g'oyalari ishlab chiqishda [Marchuk, 1973; Uspenskiy, Fedorov, 1974] V.Yu.Burmin chiziqli dizaynlarning optimalligining yangi mezonini taklif qildi. C-mezone, bu dastlabki ma'lumotlardagi buzilishlarning o'zboshimchalik xarakteri bilan tajribalarni rejalashtirish muammosini hal qilishga imkon beradi [Burmin, 1976]. Ushbu mezon bo'yicha optimal reja giposentrlar parametrlaridagi maksimal xatolarni minimallashtirishni va shuning uchun dastlabki ma'lumotlardagi xatolar (tizimli yoki tasodifiy) xarakteridan qat'i nazar, ularni aniqlashning maksimal barqarorligini ta'minlaydi. C-optimallik mezoniga ko'ra seysmologik kuzatuv punktlarining optimal tizimini qurishda statistik yondashuvga qaraganda optimal tarmoqlarning xususiyatlari bo'yicha umumiyroq natijalarga erishish mumkin. C-optimallik mezon asosida seysmologik kuzatish tizimlarini optimallashtirishning turli muammolari yechimi olindi [Burmin, 1986, 1995]. Global optimallashtirish ma'nosida ushbu mezon asosida yer shari yuzasida kuzatish nuqtalarining optimal tizimini qurishning umumiy printsiplari shakllantirildi [Burmin, 1995]. So'nggi paytlarda C-optimallik mezon eksperimental fizikaning boshqa ko'plab muammolarini hal qilishda samarali qo'llanilmoqda [Gordeev, 1976; Alifanov va boshqalar, 1988; Gerasimenko, 1992]. C-optimallik mezon g'oyasi boshqa mualliflar tomonidan matematik



fizikaning teskari muammolarida modellarni diskretlashtirish va yaqinlashtirish uchun ishlatilgan [Deans, 1983; Nakanishi, 1986; Notel, 1987; Hammepm, 1990]. Shuni esda tutingki, optimal seysmologik kuzatuv tarmoqlarini rejalashtirishni hal qilishga bag'ishlangan aksariyat ishlarda optimallashtirish muammosi bir omilli sharoitda shakllantiriladi, ya'ni ma'lum bir optimallik mezoni uchun rejalar baholashning to'g'riligi nuqtai nazaridan tuziladi. noma'lum parametrlar. Aslida, optimallik mezoni faqat kuzatish nuqtalarining geometriya omili bilan bog'liq (bundan keyin biz uni optimal dizaynning geometrik omili deb ataymiz). Amalda, har qanday fizik tajribani o'tkazishda, tajribaning optimallik sharti har doim ham bajarilmaydi va o'lchovning haqiqiy shartlariga bog'liq bo'lishi mumkin. Bundan tashqari, haqiqiy kuzatuvchi tarmoq muayyan iqtisodiy talablarga va boshqa bir qator shartlarga javob berishi kerak. Binobarin, umumiy holatda seysmologik kuzatuvlarning optimal tarmoqlarini rejalashtirish muammosi ko'p faktorli formulada shakllantirilishi va ko'p omilli optimallashtirishning mashhur usullaridan foydalangan holda hal qilinishi kerak [Podinovskiy, Nogin, 1982; Moyer, 1992].


**Seysmik stantsiyalarning samaradorligini baxolash.** Farg'ona vodiysida mavjud seysmik stantsiyalarning faoliyatini baholash Seysmoprognostik monitoring Respublika markazining 2020 yil uchun katalogidan foydalangan holda amalga oshirildi. 2020 yilda ma'lumotlar markazning hududiy seysmologik katalogini tuzishda 40 ta seysmik stantsiya ma'lumotlaridan foydalanildi. 2020 yilda Markaziy Osiyo tarmog'ining 10 ta stantsiyasi qo'shimcha ravishda qayta ishlashga ulandi, ulardan yettitasi (Terek Say – TRKS, Arkit – ARK, Arslonbob – ARSB, O'sh – OHH, So'fi-Qo'rg'on – SFK, Darout-Qo'rg'on – DRK va Botken). - BTK) Qirg'iziston hududida, uchtasi (Garm - GRM va Gezen - GZN) - Tojikiston hududida joylashgan. 2020 yilda 40 ta seysmik stantsiya yordamida 87 771 ta seysmik hodisa qayd etilgan. Ulardan qariyb 62 897 dan ortiq seysmik hodisa Farg'ona vodiysida joylashgan seysmik stantsiyalar tomonidan qayd etilgan. Har bir stantsiya uchun 1-jadvalda (to'rtinchi ustunda) seysmik stantsiya tomonidan qayd etilgan hodisalar soni ko'rsatilgan. Jadvalning beshinchi ustunida har bir stantsiyaning ishtiroki ulushi hisoblab chiqiladi - stantsiyalar ishtirokidagi hodisalar soni yil davomida katalogdagi hodisalarning umumiy soniga bo'linadi (1867). 1-rasmda har bir stantsiyaning hududiy katalogdagi ishtiroki haqidagi ma'lumotlar keltirilgan.

#### 1-jadval.


#### 2020 yil uchun SMRM jamlanma katalogini tuzishda Farg'ona vodiysi seysmik stantsiyalarning ishtiroki.

№	Stantsiya nomi	Stantsiya kodi	Xodisalar soni	Katalogdagi ishtiroki (%)	Geodinamik poligonidagi stantsiyalarning hisobga olgan holda ishtiroki (%)
1	Mamay	MAM	3209	22,5	46,9
2	Toshota	TST	2739	18,7	39,0
3	So'x	SOX	6408	2,7	5,7
4	Chimyon	CHM	5809	41,1	85,7
5	Kosonsoy	KSNS	1779	4,5	9,4
6	Andijon	AND	1136	1,5	3,1
7	Chodak	CHDK	2317	4,6	9,6
8	Namangan	NMG	745	2,5	5,1
9	Shoximardon	SXM	8185	45,2	94,1
10	Mingtut	MINT	2055	6,2	12,9
11	Farg'ona	FRG	3162	31,9	66,5

1-rasmda Shoximardon stantsiyasi (SXM) ishonchli tarzda yetakchilik qilayotgani ko'rsatilgan – ushbu stantsiya ma'lumotlari SMRM katalogidagi hodisalarning deyarli 45 foizini qayta ishlash uchun ishlatilgan. Chimyon (CHM) stantsiyasi undan bir oz pastroq - uning ma'lumotlari voqealarning taxminan 41% yozuvlarini qayta ishlashda ishlatilgan. Qolgan stantsiyalar ulardan sezilarli darajada orqada. Jadvalning quyi qismida yirik shaharlarda (Namangan va Andijon) joylashgan stantsiyalari o'rin olgan.



Rasm. 1. Stantsiyalarning 2020 yil uchun SMRM katalogini tuzishda ishtiroki




Rasm.2. 2020 yil uchun geodinamik poligonda stantsiyalarning joylashishini hisobga olgan holda stantsiyalarning katalogdagi ishtiroki

Stantsiyalarning samaradorligini to'g'riroq aniqlash uchun shuni hisobga olish kerakki, yil davomida bir qator sabablarga ko'ra (buzilish, aloqa kanallaridagi uzilishlar, modernizatsiya) stantsiya o'z ma'lumotlarini yubora olmadi va shunga mos ravishda, katalogni tuzishda qatnashmaslik yuzaga kelgan. Shuning uchun har bir stantsiya uchun ma'lumotlarning kelish tezligi va stantsiya ishtiroki hisoblab chiqilgan. Shuningdek, katalogdagi ishtirok koeffitsienti har bir stantsiya uchun seysmik faol zonalarni hisobga olgan holda alohida hisoblab chiqilgan (jadvalning oltinchi ustuni).

Geodinamik poligonlarda stantsiyalarning joylashishini hisobga olgan koeffitsientni hisobga olgandan keyin vodiy stantsiyalarining o'rni deyarli o'zgarmagan. Stantsiyalarning samaradorligini baholashda seysmik stantsiyalar turli darajadagi seysmik faollikdagi hududlarda joylashishi mumkinligini ham yodda tutish kerak. Masalan, Shohimardon (SXM) va Chimion (CHM) stantsiyalari, Mamay (MAM), Toshota (TSHT) stantsiyalaridan farqli o'laroq, seysmik faolligi juda yuqori bo'lgan hududda joylashgan va aynan shu holat ular tomonidan qayd etilgan ko'p sonli voqealarni tushuntirishi mumkin. Stantsiyalar uchun muhim xususiyat uning faol yoki tinch mintaqada bo'lishidan qat'iy nazar, seysmik hodisalarni qayd etishda sezgirligidir.

Muayyan stantsiya tomonidan qayd etilgan hodisalar kattaligining minimal qiymatlari konverti ushbu stantsiya tomonidan ma'lum masofada qanday kattalikdagi hodisalarni eng qulay sharoitlarda qayd etishi mumkinligini aniqlashga imkon beradi. Barcha 11 ta o'rganilgan stantsiyalar uchun maksimal ro'yxatga olish diapazonining o'xshash egri chiziqlari olingan, bu turli stantsiyalarning imkoniyatlarini qiyosiy tahlil qilish imkonini beruvchi grafiklarni qurish imkonini berdi (3-rasm).



**3-rasm. Ro'yxatdan o'tish uchun imkoniyatlari**

**M = 1,0-4,0 bo'lgan seysmik hodisalar, "Shoximardon" va "Namangan" stantsiyalari uchun hisoblangan.**

3-rasmdan ko'rinish turibdiki, Shoximardon va Namangan seysmik stantsiyalarining mahalliy hodisalarini ro'yxatga olish imkoniyatlaridagi farq taxminan 1,5 magnitudani tashkil qiladi. Bu qiymat, o'z navbatida, Shoximardon va Namangan seysmik stantsiyalarining seysmik shovqin darajasidagi farqni ko'rsatadi.

**Xulosa.** O'tkazilgan tahlillar shuni xulosa qilish imkonini beradiki, uning jamlangan katalogni tuzishga qo'shgan hissasi bilan baholanadigan stantsiyaning samaradorligi seysmik shovqindan tashqari ko'plab omillarga bog'liq: stantsiyaning seysmik faol zonalarga nisbatan joylashishiga, stantsiya sifatiga. stantsiyada o'rnatilgan uskunalar, Data Center bilan aloqa kanallarining sifati bo'yicha. Beshta seysmik stantsiya – SXM, CHM, TSHT, MAM va FRG mintaqaviy monitoringda eng yuqori samaradorlikni namoyish etmoqda. Shuni ta'kidlash kerakki, stantsiyaning ahamiyati nafaqat uning sezgirligi yoki ro'yxatga olingan hodisalar soni bilan belgilanadi. Masalan, ANR va NMG stantsiyalari yirik shaharlarda joylashgan bo'lib, shunga mos ravishda seysmik shovqin darajasi yuqori bo'lganligi sababli sezgirligi past. Biroq, ularning ma'lumotlari mamlakatning eng yirik megapolisi kabi strategik joyda kuchli va aniq zilzilalar kuzatilganda bebahodir.

**ADABIYOTLAR**

1. Бурмин В.Ю. Задача планирования эксперимента и обусловленность систем линейных алгебраических уравнений // Изв. АН СССР. Техн. кибернетика. 1976. № 2. С.195–200.
2. Аранович З.И., Ахалбедашвили А.М., Гоцадзе О.Д., Деканосидзе Ц.А. Методика расчета эффективности сети региональных сейсмических станций на примере Кавказа, Тбилиси, Сб.Вопросы оптимизации и автоматизации сейсмических наблюдений. 1977.
3. Аранович З.И., Дубинский И.Б. Об оптимальной системе сейсмических наблюдений в Крыму // Сб. «Сейсмические приборы», вып.6, М. «Наука», 1972.
4. Артиков Т.У., Ибрагимов Р.С., Зияудинов Ф.Ф. Развитие сети сейсмических наблюдений на территории Узбекистана и представительность данных о землетрясениях //Сейсмическая опасность территории Узбекистана. Ташкент 2012.
5. Артиков Т.У., Зокиров М.С., Соколов М.В., Якубов М.С. История развития сейсмометрических наблюдений в Узбекистане // Проблемы сейсмологии в Узбекистане. 2006, №3.
6. <https://rcsm.fvv.uz/>



УДК 911.3:33

**Нормурод ЛАТИПОВ,**

*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*

*E-mail: latipovnormurod@gmail.com*

*Навоний давлат педагогика институтини доценти Ю.Б.Раҳматовнинг тақризи асосида.*

#### THE EFFECT OF ECOLOGY ON THE HEALTH OF THE POPULATION IN THE NAVOI REGION

Annotation

The development of science and technology proves once again how infinite human needs are. The concentration of the population in large cities, on the one hand, accelerates the process of urbanization and affects the level of development of the state, on the other hand, the state of the environment has a negative impact on urban ecology. From ancient times the population has been striving to create favourable conditions for themselves, and such a process is still going on, especially when the negative consequences of this are clearly felt in the health of the population living in cities. Solving this problem is one of the main tasks of urboecology. The development of modern methods of geo-ecological monitoring of the ecological condition of cities, especially in areas with high industrial specialization, the development of measures to improve the health of the population in ecologically critical areas is of great importance today. To this end, this article discusses in detail the industrialized Navoi region and its urban and ecological situation, the factors affecting it.

**Keywords.** "Green economy", population health, mortality, urban environment, neuroscopic development, environmental monitoring.

#### ВЛИЯНИЕ ЭКОЛОГИИ НА ЗДОРОВЬЕ НАСЕЛЕНИЯ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

Развитие науки и техники еще раз доказывает, насколько безграничны человеческие потребности. Концентрация населения в крупных городах, с одной стороны, ускоряет процесс урбанизации и влияет на уровень развития государства, с другой стороны, состояние окружающей среды оказывает негативное влияние на экологию городов. С древних времен население стремилось создать для себя благоприятные условия, и такой процесс идет до сих пор, особенно когда отчетливо ощущаются негативные последствия этого в здоровье населения, проживающего в городах. Решение этой проблемы является одной из основных задач урбоэкологии. Большое значение на сегодняшний день имеет разработка современных методов геоэкологического мониторинга экологического состояния городов, особенно районов с высокой промышленной специализацией, разработка мероприятий по оздоровлению населения в экологически критических районах. С этой целью в данной статье подробно рассматривается промышленно развитая Навойская область и ее градостроительная и экологическая ситуация, влияющие на нее факторы.

**Ключевые слова.** «Зеленая экономика», здоровье населения, смертность, городская среда, нейроскопическое развитие, экологический мониторинг.

#### НАВОЙЙ ВИЛОЯТИДА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА ЭКОЛОГИЯНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация

Фан ва технологиянинг ривожланиши инсон эҳтиёжини нақадар чексизлигини яна бир бор исботламоқда. Аҳолининг йирик шаҳарларда тўпланиши бир томондан урбанизация жараёнини тезлаштириб давлатнинг ривожланиш даражасига таъсир кўрсатса, иккинчи томондан атроф-муҳит ҳолати, шаҳарлар экологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Қадимдан аҳоли ўзи учун қулай бўлган шароитни яратишга интилган, шундай жараён ҳозир ҳам давом этмоқда, айниқса, бунинг салбий оқибатлари шаҳарларда яшаётган аҳоли саломатлигида яққол сезилиб қоляпти. Ушбу муаммони ҳал этиш урбоэкологиянинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шаҳарлар экологик ҳолатини, айниқса, саноат иқтисослашуви юқори бўлган ҳудудларда геоэкологик мониторинг олиб боришнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш, экологик танг ҳудудларда аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда ушбу мақолада саноатлашган Навоий вилояти ва ундаги урбоэкологик вазият, унга таъсир этувчи омиллар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

**Калит сўзлар.** “Яшил иқтисодиёт”, аҳоли саломатлиги, ўлим кўрсаткичи, урбоэкологик вазият, нейроскопик ривожланиш, экологик мониторинг

**Қириш.** Атроф-муҳит мусоффагини асраб-авайлаш бугунги кунда давлатимиз раҳбарияти томонидан катта эътибор қаратилаётган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин” -дея 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармонида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтганликлари бежиз эмас [1].

Ушбу муаммоларни олдини олиш, ҳудудларни келажақда барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида экологик, тиббий-экологик, ижтимоий ва иқтисодий мониторинглар орқали керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Албатта, бундай мониторинглар олиб боришда замонавий ютуқларнинг ҳам ўз ўрни бор. Замонавий тадқиқотлар шу кўрсатадики, маълум бир муаммони ўрганишни ва ушбу муаммога ечим топишни кичик ҳудудлардан бошлаш орқали кўзланган натижага эришиш мумкин [4].

**Адабиётлар таҳлили.** Шаҳар ҳудудларини ташкил этиш масалаларига профессор Солиев А.С. алоҳида аҳамият берган ҳамда Навоий вилоятининг улкан иқтисодий салоҳиятини юкори баҳолаган. Келажакда Зарафшон иқтисодий географик раёнининг муҳим қисми бўлиши ҳақида фикр юритган.

Халмирзаев А.А эса минтақада шаҳарлар тизимининг тез ривожланиши натижасида салбий ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Шаҳарларнинг тез ўсиши экологик жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келишини, аҳоли саломатлиги мунтазам мониторинг қилиб турилмаса саноатлашган шаҳарлар нозогеографик ўчоққа айланиши мумкинлигини таъкидлаган.

Профессор Комилова Н.К Зарафшон иқтисодий географик раёнининг нозогеографик ҳолатига экологик омилни асосий ўринга қўйган. Саноат ривожланган сари аҳолининг саломатлигига таҳдидлар кўпайишини эътиборга олиб, тиббий ва экологик мониторингни ўзаро уйғунликда олиб боришни тавсия этган [7].

Навоий вилоятининг танатогеографик таҳлили ва аҳоли саломатлигидаги муаммолар, ҳудудларни ўлим кўрсаткичларига кўра классификация қилишни Муҳаммедова Н.М ишларида кўриш мумкин. Ушбу бўлинишни таснифлашда аҳолининг репродуктив саломатлиги, болалар саломатлигини етакчи омил сифатида баҳолаш керак дея фикр билдирган.

Х.Т.Тухтаевнинг тадқиқот ишларида Навоий вилояти мамлакатимизнинг табиий қазилма бойликларига бой бўлган йирик саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган вилоят ҳисобланиши, вилоят ҳудудида фойдали қазилма конларининг 200 дан ортиги аниқланган бўлиб, шундан 16 та уран кони, 37 та камёб металл конлари ва 12 та минераллашган шифобахш сувлар манбаи мавжудлиги, ушбу аниқланган конларнинг 78 тасида қазилма бойликлар қазиб олиниши ҳақида маълумот берилган.

**Тадқиқот методологияси.** Қизилқум чўлини ўзлаштириш мақсадида 1982-йил 20-апрелда ташкил этилган лекин икки қадимий ва навқирон Бухоро ва Самарқанд вилоятлари орасида қад ростлаганлиги турли даврларда гоҳ Бухоро вилояти таркибига, гоҳида эса Самарқанд вилояти таркибида бўлишига сабабчи бўлган. 1992-йилда Навоий вилояти мақоми қайта тикланди ва республикамизнинг энг кенжа маъмурий бирликларидан бири сифатида эътироф этиб келинмоқда. Вилоят ҳудуди 111,1 минг км<sup>2</sup> бўлиб, Республика умумий майдонининг 24,7 фоизини, аҳолиси 1 033 869 киши ва аҳоли зичлиги ҳар км<sup>2</sup> майдонга 9,3 кишини ташкил этади, Республика аҳолисининг эса 2,9 фоизини ўзида жамлаган, бу жиҳатдан маъмурий бирлик „кутбилик“ характериға эға, яъни ҳудуд бўйича юкоридан иккинчи ўрин бўлса, аҳоли бўйича охиридан иккинчи. Маъмурий-ҳудудий тузилиш жиҳатдан 8 та туман, 7 та шаҳар ва 46 та шаҳарча, 579 та кишлоқ аҳоли пунктига бўлинади. Ҳудуди жануби-шарқдан (денгиз сатҳидан баландлиги 2000 м гача боради) шимоли-ғарбга томон (90-100 м) пасайиб боради [14].

Вилоят тоғ-кон саноатининг ривожланиши учун хизмат қиладиган минерал ресурсларга бой маскан ҳамдир. Бунга Учқудук уран кони, Мурунтогдаги олтин кони ва бошқалар яққол мисол бўла олади. Ана шу йирик конлар аҳолининг бандлиги ва турмуш тарзига, даромад манбаисифатида эса турмуш даражасига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Конларнинг очилиши бевосита шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шаҳарларнинг шаклланишига сув, иқлим ресурслари, транспорт географик ўрин омиллари билан бирга қазилма бойликларнинг таъсири ҳам каттадир. Жумладан, Зафаробод, Зарафшон шаҳарлари тоғ-кон саноати негизида юзага келган. Бу ҳудудлар деҳқончилик учун унумдор тупроқ ҳамда қулай иқлимий шароитга эға эмас. Шунга қарамай, бу шаҳарларнинг шаклланиши конлар мавжудлиги ва кончилик саноатининг яхши йўлга қўйилганлигига асосланган. Масалан, Зафаробод шаҳри ва атрофларидаги тупроқ сарғиш кизғиш, деҳқончилик учун яроқли, лекин суғорма деҳқончиликини йўлга қўйиш учун сув ресурслари мавжуд эмас, ундан фойдаланиш имконияти чегараланган. Ҳозирги шаҳридаги мрамор кони республикадаги энг йирик конлардан бири ҳисобланади. Ҳозирда мраморнинг саноат йўли билан қазиб олиниши ҳамда ишлов берилишига ўтган асрнинг 30-йилларида асос солинган. Бугунги кунда фойдаланилмаётган 31,0 миллион метр куб мрамор ва 104,1 миллион метр куб гранит конларида камида 150 йилга етадиган захира мавжуд. Мазкур ҳолат аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Вилоятнинг ҳозирги арид ландшафт комплексларида чўлланиш жараёнини жадаллашувида бошқа антропоген омиллар билан бир қаторда, йилдан-йилга кенгайиб бораётган тоғ-кон саноатининг таъсири каттадир. Марказий Қизилқумда чўлланиш жараёнининг авж олиши ландшафтлар биоресурслар ва уларнинг иқтисодий саҳиятининг пасайишига, экологик муҳит сифатининг, аҳолининг яшаш шароити ва саломатлигининг ёмонлашувиға сабаб бўлмоқда [7].


Қазилма бойликларнинг очик усулда қазиб олиниши оқибатида тоғ-кон саноатининг таъсир ҳудуди ҳам кенгайиб, теварак атрофдаги арид ландшафтларнинг геозкологик шароитининг ёмонлашувиға олиб келмоқда. Бу эса кон атрофидаги яйловларнинг бузилишиға ва ўша ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигига катта таъсир кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тоғ-кон саноати ҳудудларида олинадиган фойдали қазилманиннг ҳажмиға нисбатан қайта ишланадиган тоғ жинсларининг ҳажми бир неча баробар кўп. Шу боисдан вилоят тоғ-кон саноати минтақаларидаги конлар атрофида тўпланган чиқинди ва тоғ жинслари суний тепаликликларни вужудға келтирган.

**Таҳлил ва натижалар.** Вилоят ҳудудида кўплаб оғир саноат корхоналарининг борлиги ва уларнинг аҳоли манзилгоҳлариға жуда яқин жойлашганлиги аҳоли саломатлигига жиддий таъсир ўтказмоқда. 2018-йил умумий ўлим кўрсаткичи вилоят бўйича 4161 кишини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2019-йил 4378 кишини, 2020-йилда 5038 кишини, 2021-йилда эса 4988 кишини ташкил этди.



Вилоят маъмурий бирликлари кесимида аҳоли ўлими (2017-2021-йиллар) [15]

1-жадвал



Ушбу кўрсаткичларга кўра ҳудудий фарқларни уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ:

- умумий ўлим кўрсаткичи **паст** бўлган ҳудудлар: Конимех, Томди, Учқудуқ, туманлари;
- умумий ўлим кўрсаткичи **ўртача** бўлган ҳудудлар: Нурота, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳри;
- умумий ўлим кўрсаткичи **юқори** ҳудудлар: Кармана, Қизилтепа, Хатирчи тумани;

Томди, Учқудуқ, Конимех туманлари умумий ўлим кўрсаткичлари паст бўлиб, ушбу ҳудудларда охириги 10 йилда касалланиш ва ўлимнинг пасайиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳолат умр давомийлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Умумий ўлим кўрсаткичи ўртача ҳисобланган Нурота, Навбаҳор туманлари ва Навоий шаҳри аҳоли манзилгоҳларининг sanoat мажмуаларига яқин жойлашиши, Нурота тумани эса бундан мустасно бўлиб, унда қон айланиш тизими касалликлари сабаб ўлимнинг юқорилиги, ушбу ҳудудларда ўлим ҳолатини қисман ортиб боришини кўрсатади. Бу эса юқоридаги ҳудудларда ўз вақтида мавсумий ва донмий профилактик чора-тадбирларни кўришни тақозо этади.

Кармана, Қизилтепа, Хатирчи тумани аҳолининг умумий ўлим кўрсаткичи юқори бўлиб, бу эса олдинги йилларга нисбатан ортиб борганини кўриш мумкин. Бу ҳудудларда ошқозон-ичак касалликлари, сурункали камқонлик ва ўпка сили каби хасталикларнинг кўпайишига олиб келади. Бу ҳолатларни олдини олиш мақсадида туман тор ихтисосликка доир мутахассис шифокорлар билан таъминланиши зарур. Вилоят ҳудудида 2021-йилда 19,1 минг шифокор аҳоли саломатлигига жалб қилинган, бу олдинги йилга нисбатан 1800 тага кўп демасдир. Лекин шундай бўлсада, аҳоли орасида саломатликдаги муаммолар сабабли вафот этаётганлар кўпчиликти ташкил этмоқда. Вилоят аҳолисининг саломатлигига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. Атмосфера ҳавоси ҳолати
2. Ичимлик суви таркиби
3. Тупроқ қатламининг сифати
4. Шовкин даражаси

Немаловажным достоинством известняковой пудры является способность растворяться в соляной кислоте, которая обеспечивает сохранение естественных коллекторских свойств, что нельзя сказать о барите, гематите и магнетите. Поэтому, для получения требуемых значений плотности безглинистого ингибирующего бурового раствора целесообразно использовать в место барита карбоната железо-сидерита. Сидеритовый кислото-растворимый утяжелитель, приготавливаемый из сидеритовой руды и модифицирующих добавок по ТУ 39-00147-180-98.

С помощью сидеритового утяжелителя можно утяжелить безглинистый ингибирующий буровой до требуемых значений плотности, предусмотренных в проекте строительстве нефтяных и газовых скважин.

**Выводы.** 1. Безглинистые буровые растворы, имеют принципиальное преимущество перед глинистыми, при заканчивании скважин за счет исключения из состава кольматанта, трудноудаляемого из ПЗП при освоении.

С целью сохранения коллекторских свойств продуктивных пластов, рецептура бурового раствора для первичного вскрытия продуктивных горизонтов, которая способствует образованию качественной фильтрационной корки и ограничивает фильтрацию в пласт.

Буровые растворы плотностью 1600 – 2200 кг/м<sup>3</sup> на основе бромидов кальция, цинка или их смесей обеспечивают относительно высокое качество вскрытия продуктивного пласта и возможность почти полного восстановления проницаемости более 70%, но область их применения ограничивается низкой термобарической устойчивостью и экологической опасностью.

4. Для получения требуемых значений плотности безглинистого ингибирующего бурового раствора рекомендовано использование вместо барита кислото-растворимый утяжелитель - карбонат железа, приготавливаемый из сидеритовой руды и модифицирующих добавок по ТУ 39-00147-180-98.

## ЛИТЕРАТУРА

1. Умедов Ш.Х., Акрамов Б.Ш., Комилов Т.О., Нурийтинов Ж.Ф. Новая тампонажно-полимерная смесь на основе местного сырья // «Наука и образование сегодня» № 10 (57), г. Москва 2020. – С.18–22.
2. Комилов Т.О. Тампонажный раствор для цементирования нефтяных и газовых скважин // Булатовские чтения IV Международной научно-практической конференции. Сборник статей-2020. Том 3. – С.157-158.
3. Комилов Т.О. Д.Р.Махаматхожаев Усовершенствованный состав бурового раствора для предупреждения поглощения промывочных жидкостей // «Нефтяное хозяйство» выпуск 1167- Москва, 2021. – С.68-74.
4. Махаматхожаев D.R., Komilov T.O., Yusufxujayev S.A., Raxmatov Sh.D. Rezultaty bureniya stvola skvajiny na ploshchadi uchkyzyl v usloviyax poglosheniya burovogo rastvora // Nauchno-texnicheskiy jurnal "Texnologii nefti i gaza" - Moskva, 2019. - №4 - Pages.51-56.
5. Komilov T.O., Ruzmanov F.I., Raximov A.A., Umedov Sh.X. Ways to create a quality wellbore for smooth casing flow // Palarch's journal of archaeology of egypt/egyptology VOL. 17 NO. 6.2020.
6. Ruzmanov F.I., Ashurov B.N., Umedov Sh.X., Komilov T.O. Landslide formation analysis during well drilling // Palarch's journal of archaeology of egypt/egyptology VOL. 17 NO. 6.2020.
7. Крылов В.И., Крецул В.В. Реологические особенности буровых биополимерных жидкостей//Нефт. Хоз-во. – 2002. - №9. – С. 54-56.
8. Махаматхожаев Д.Р. Нефтеэмульсионный буровой раствор для бурения нефтегазовых скважин в сложных геолого-технических условиях Научный и информационный журнал «Материаловедение», Труды международной конференции «Рахматуллинские-Ормонбековские чтения». 27-29 июня, 2013, г. Бишкек, № 2/2013(3).
9. Махаматхожаев Д.Р. Результаты промышленного испытания состава безглинистогосоленасыщенного бурового раствора на бурящихся скважинах в АК «Узгеобурнефтегаз». //Ўзбекистон нефт ва газ журналы, №1, 2015 й. С41-46.
10. Комилов Т.О. Д.Р.Махаматхожаев Усовершенствованный состав бурового раствора для предупреждения поглощения промывочных жидкостей // «Нефтяное хозяйство» выпуск 1167- Москва, 2021. – С.68-74.
11. Комилов Т.О., Рахимов А.А. Способ изоляции зон поглощения промывочной жидкости в скважине. Булатовское чтение III Международной научно-практической конференции. Сборник статей-2019. Том 3. – С.69.
12. Комилов Т.О., Санетуллаев Е.Е., Умедов Ш.Х. Экспериментальные исследования промывочных жидкостей предотвращающих осложнения при бурении нефтяных и газовых скважин. Технологии нефти и газа Научно-технический журнал – Москва, 2019 – №1. – С. 42–44.
13. Комилов Т.О., Нумонов А. Закономерности промывки скважины при бурении LXXVII Международные научные чтения (Памяти Н.А. Доллежала), Международной научно-практической конференции. Москва, 12 июня 2020 г. – С. 24–26.





УЎК: 550.834.044

**Иzzатулло РЎЗИМОВ,**

«Гидрогеология ва инженерлик геологияси» Давлат муассасаси  
«Ер ости сувлари мониторинги ва ҳудудий изланишлар»  
лабораторияси стажер тадқиқотчиси  
E-mail: [izzatullo.rozimov@gmail.com](mailto:izzatullo.rozimov@gmail.com)

**Шахриёр ТОШЕВ,**

«Гидрогеология ва инженерлик геологияси» Давлат муассасаси  
«Ер ости сувлари мониторинги ва ҳудудий изланишлар»  
лабораторияси стажер тадқиқотчиси  
E-mail: [shahriyortoshev@mail.ru](mailto:shahriyortoshev@mail.ru)

ГФУ доценти, геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Жўраев М.Р. тақризи асосида

### MONITORING OF GROUNDWATER AS A PREDICTOR OF EARTHQUAKES TAKE AWAY

Annotation

The article provides information on the earthquakes that have occurred in the country so far (earthquakes) and their impact on all aspects of humanity and the economy. The importance of groundwater monitoring as an earthquake indicator through the results of research conducted at the SE "Institute of HYDROENGEО".

**Keywords:** Hydrogeodeformation field, earthquake, seismic zone, groundwater level, earthquake magnitude, epicenter.

### МОНИТОРИНГ ПОДЗЕМНЫХ ВОД В КАЧЕСТВЕ ПРОВОДНИКА ЗЕМЛЕТРЯСЕНИЙ

Аннотация

В статье представлена информация о подземных толчках (землетрясениях) на территории Республики до настоящего времени, а также об их влиянии на все сферы жизни человечества и экономики. Важность мониторинга подземных вод как источника землетрясений была подчеркнута результатами исследований, проведенных ГУ «Институт ГИДРОИНГЕО».

**Ключевые слова:** Гидрогеодеформационное поле, землетрясение, сейсмическая зона, уровень подземных вод, магнитуда землетрясений, эпицентр.

### ЗИЛЗИЛА ДАРАКЧИСИ СИФАТИДА ЕР ОСТИ СУВЛАРИ МОНИТОРИНГИНИ ОЛИБ БОРИШ

Аннотация

Мақолада Республика ҳудудида шу вақтгача бўлган ер силкинишлари (зилзилалар) ҳамда уларнинг инсоният ва иқтисодийнинг барча жабҳаларига таъсири ҳақида маълумотлар келтирилган. «ГИДРОИНГЕО институти» ДМда олиб борилган тадқиқот натижалари орқали зилзила даракчиси сифатида ер ости сувлари мониторингини олиб боришнинг аҳамияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** Гидрогеодеформацион майдон, зилзила, сейсмик зона, ер ости сувлари сатҳи, зилзила магнитудаси, эпицентр.

**Кириш.** Ер ости силкинишлари (зилзилалар) инсоният учун қутилмаганда рўй берадиган ва ўзи билан катта вайронагарчиликлар, талофатлар ва кўпдан-кўп моддий йўқотишларга олиб келадиган табиий офатлардан биридир. Унинг таъсири Ўзбекистон сингари аҳолиси зич жойлашган, саноати ривожланган ҳудудларда кескин ошади. Республикада худуди ер қаърининг чуқур қатламлари ва Марказий Осиё хавзасининг юқори мантисининг ўзига хос хусусиятлари туфайли, сейсмик зоналардан бирига қарашли. Унда асосан тектоник зилзилалар кузатилади.

Йиллар давомида сейсмик тебранишларни қайд этувчи қурилмалар ёрдамида бир миллиондан ортиқ ер ости силкинишлари қайд этилади. Кузатув пунктлари сонининг ошиши ва ер ости сейсмик тебранишларни қайд этувчи қурилмаларнинг мукамаллашуви яқин ўн йиллар давомида ер ости силкинишларини кўпроқ қайд этишга сабаб бўлмоқда. 1900 йиллардан бошлаб магнитудаси 7 ва ундан юқори бўлган 40 га яқин ер ости силкинишлари ҳисобга олинган бўлса, 21 асра келиб уларнинг сони 4000 тага етганлиги аниқланди.

**Долзарблиги.** Ўзбекистон худуди юқори даражада сейсмик фаоллиги билан ажралиб, аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш, табиий офатларни олдини олиш учун қилинаётган барча саъийи ҳаракатларга қарамай, зилзилани башорат қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Кучли сейсмик ҳодисаларни қисқа муддатда башоратлаш жуда қийин амалий муаммо бўлиб, илмий изланишлар кўп маблағ талаб қилади. Ушбу масалани ечишда бошқа ёндашувлар қаторида гидрогеологик усул, ҳусусан, ернинг гидрогеодеформацион майдон (ГГД майдон) мониторингини олиб бориш билан боғлиқ ишлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бунда республиканинг сейсмоактив ҳудудларида танланган майдондаги бурғи қудукларида ер ости сувларини режим кўрсаткичлари кузатилиб, ўрганиб борилади.

Ер ости сувлари сейсмотектоник фаоллашувда тоғ жинсларида рўй берадиган ҳар қандай зўриқишларни акс эттирувчи, деформацион жараёнларнинг таъсирига жавобан сатҳ ҳолатини ташқи кучларга нисбатан мос ҳолда ўзгартирувчи субстанция бўлиб, литосферадаги геодинамик жараёнларнинг сезгир индикатори бўлиб ҳисобланади ҳамда унинг натижасида ер ости силкинишлари келиб чиқади [1].

Республика юқори сейсмик характерга эга бўлиб, 8 ёки 9 баллгача етади. Кучли вайронкор тусга эга зилзилалар қаторига Фарғона (1823 й.), Андижон (1889 й. ва 1902 й.) ва Тошкентда (1866 й. ва 1868 й.) содир бўлган зилзилаларни киритиш мумкин. Республика пойтахти сейсмоактив зонада жойлашган. 1966 йил 26 апрелда бу ерда кучли зилзила содир бўлди, натижада шаҳарнинг бир қатор туманлари, айниқса унинг марказий қисми зарар кўрди. 1966 йилда Тошкентнинг ўзида 700 дан ортиқ ер ости силкинишлари рўйхатга олинган.


**Тадқиқот услубияти.** 1990 йилдан бери тўпланган тадқиқот маълумотларига асосан, кузатилган гидросейсмологик ҳолатлар ер кимирлашини олдиндан аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Республикада ГГД майдонда яъни сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган 6 та кузатув пунктларида (Бухоро, Газли, Нукус, Сирдарё, Қарши ва Тошкент) ер ости сувларининг сатҳ бўйича маълумотлари ўрганилади ва ер ости сувлари доимий ҳаракатда бўлганлиги туфайли зилзила ҳодисаларини намоён этишини кузатиш мумкин бўлади. Булар ўз навбатида сейсмик вазият ва ер ости сувларининг сатҳ ўзгаришини замон ва макон вариацияси кўринишида уларни олдиндан аниқлаш қонуниятини турли босқичларда (зилзиладан олдин, зилзила пайтида ва зилзиладан кейин) зилзила магнитудаси ва эпицентр жойлашуви билан чиқиши билан боғлиқдир.

Олимлар ер кимирлашининг турли хил сабабларини ўрганишган. Гидрогеокимёвий усуллар ёрдамида ер ости сувларининг кимёвий элементлар ўзгариши, микро ва макро компонентларининг хусусиятлари ва шу билан биргаликда уларнинг минерал таркибини ўзгариши зилзила даракчиси деб қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда кимёвий элементларнинг ўзгариши зилзила даракчиси сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда. Буларга: анион кимёвий элементлари ( $\text{HCO}_3$ ,  $\text{Cl}$ ,  $\text{F}$ ,  $\text{SiO}_2$ ), радиактив элементлар ( $\text{Rn}$ ,  $\text{U}$ ,  $\text{Th}$ ) ва физик хусусиятга эга кимёвий элементлари киради.


**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Ер ости сувларининг сатҳ кўрсаткичлари, кимёвий таркиби, ҳарорати ва физик хусусиятлари зилзила даракчиси сифатида илмий тадқиқот ишларида кенг ўрганилмоқда. Бу усул академик Ғ.О. Мавлонов раҳбарлигида Ўзбекистон ва Россия олимлари томонидан яратилган ва 1973 йил давлат кашфиётлари ва ихтиролари қўмитаси томонидан илмий кашфиёт деб тан олинган. Бу усулни қўллаш ёрдамида Олой (1978 й.), Поп (1984 й.), Қорақум (1985 й.) ҳудудларидаги ер кимирлашларини олдиндан айтиб беришга эришилган. Ер кимирлашдан 1-2 ой олдин, Фарғона водийсида текшириш ишлари олиб борилаётган вақтда аксарият бурғи қудукларида ер ости сувлари сатҳи, ҳарорати ҳамда кимёвий элементларидан радон, гелий ва карбонат ангидрид газ миқдорларида катта ўзгаришлар содир бўлгани кузатилган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам кузатув илмий ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Г.Н. Капилова ўзининг кузатув илмий ишларида Морозная (1-кузатув пунктида  $H=600$  м) сувнинг ҳарорати ва газ кимёвий элементи 3 суткада 1 маротаба ўзгарганлигини ва (кузатув пункти Хлебзавод Г-1  $H=250$  м) сувнинг ўлчов концентрациясида газнинг кимёвий элементи 3 суткада 1 маротаба ўзгарганлигини таҳлил қилган. Г.Н. Капилова 2000-2006 йиллар оралиғида кўп йиллик кузатув ишларини олиб бориши натижасида гидрогеодинамик параметр ўзгаришларини, зилзиладан олдин ва кейинги ҳолатини график кўринишида ер ости сув сатҳининг аномал ўзгаришини аниқлаган ва уларни зилзила даракчиси сифатида баҳолаган. Г.Н. Капилова 2006 йил ГГД майдоннинг газ кимёвий элементи зилзиладан олдин аномал ўзгарганлигини кузатган. Кузатув пунктдан  $R=200-300$  км масофа узокликда,  $M=6,6$  тенг бўлган зилзила қайд этилган [1].


**Таҳлил ва натижалар.** Кузатувлар шуни кўрсатадики, 2019 йил мамлакатимиз ва ундан ташқари ҳудудларда 192 та зилзила содир бўлган бўлиб, 2020 йилда эса уларнинг сони сезиларли даражада ошиб, жами 235 та зилзила содир бўлди. Уларнинг магнитудаси ( $M$ ) катталиги бўйича  $M=3,0-3,5$  – 135 та,  $M > 3,5-4,0$  – 86 тадан ортиқ ва  $M > 4,0$  – 14 та зилзилага ажратиш мумкин (1-расм). Бундан ташқари, 2020 йилда чуқурлик ( $H$ ) бўйича содир бўлган зилзилаларнинг умумий сони олдинги йилга нисбатан сезиларли даражада ошиб, содир бўлган 516 та зилзиладан 312 таси 10 км гача, 120 таси 10-20 км оралиғида ва 84 таси 20 км дан чуқурроқда бўлганлиги аниқланди (2-расм).



1-расм. Магнитудаси ( $M$ ) катталиги бўйича содир бўлган зилзилалар



2-расм. Чуқурлик ( $H$ ) бўйича содир бўлган зилзилалар



3-расм.  $K > 9$  ( $M > 3$ ) билан зилзилалар эпицентрларининг жойлашуви


2020 йил 24 январ куни Тожикистонда зилзила содир бўлди. Эпицентрда  $M=5,5$ ,  $H=10$  км. Унга қўра ер кимирлаши туфайли Бухоро кузатув қудуғидаги сув сатҳи режимидаги гидрогеосейсмик тафовутлар зилзиладан 10 кун олдин сув сатҳи 1 м га пасайди. Тошкент кузатув қудуғидаги сув сатҳи режимида гидрогеосейсмик тафовутлар зилзила вақтида сув сатҳининг 30 см га кескин пасайиши кузатилди. Газли кузатув қудуғидаги сув сатҳи режимида гидрогеосейсмик тафовутлар олдиндан сейсмик ўзгариш даражаси барқарор пасайиши фонида зилзиладан 8 кун олдин сув сатҳи кўтарила бошлади ва зилзиладан сўнг яна пастга тушди. Нукус кузатув қудуғидаги сув сатҳи режимидаги гидрогеосейсмик тафовутлар зилзила вақтида беқарор сатҳнинг фонида сув сатҳининг 1 см га кўтарилиши кузатилди.

2020 йил 26 март куни Ўзбекистонда зилзила содир бўлди. Эпицентрда  $M=4,92$ ,  $H=29$  км. Тошкентдан шарқий йўналишда 118,14 км масофада. Зилзила таъсирида Тошкент кузатув қудуғидаги сув сатҳи режимидаги гидрогеосейсмик тафовутлар даражасининг барқарор пасайиши фонида зилзиладан 3 кун олдин сув сатҳи кўтарила бошлади ва зилзиладан сўнг яна пастга тушди. Сирдарё кузатув пунктида зилзила бўлишидан 8 кун олдин сув сатҳи кўтарила бошлади ва зилзила содир бўлгандан кейин сув сатҳи пасайишда яна давом этди. Қарши кузатув қудуғида зилзиладан 7 кун олдин сув сатҳи кўтарила бошлади ва ундан кейин яна кўтарилишда давом этди. Нукус кузатув қудуғида зилзиладан 8 кун олдин сув сатҳи кўтарила бошлади ва ундан кейин пасайишда давом этди.


2020 йил 5 август куни Ўзбекистонда зилзила содир бўлди. Эпицентрда  $M=3,9$ ,  $H=50$  км. 2020 йил 18 август куни Ўзбекистонда зилзила содир бўлди. Эпицентрда  $M=4,2$ ,  $H=30$  км. Тошкентдан жанубий йўналишда 314 км масофа, зилзила эпицентри Қашқадарё вилоятида.

Тошкент кузатув қудуғида 2020 йил 5 августда зилзила туфайли зилзиладан 7 кун олдин сув сатҳининг барқарор пасайиши фонида 5 см га пасайгач 6 августда барқарорлашди ва фақат 18 августдаги зилзиладан сўнг ўсиш кузатилди. Сирдарё кузатув қудуғида зилзиладан 6 кун олдин сув сатҳи кўтарилиши барқарорлашди, ундан кейин эса кўтарилиш кузатилди. 18 августдан 6 кун олдин барқарорлашди ва зилзиладан сўнг яна юқорига кўтарилди. Қарши кузатув қудуғида 5 август кунги зилзиладан кейин сув сатҳи 3 см га камайди, ундан кейин эса кўтарилиш кузатилди. 18 августдан 10 кун олдин сув сатҳининг пасайиши бошланди ва зилзиладан кейин сув сатҳининг ўзгариши барқарорлашди. Нукус кузатув пунктида 5 августдаги зилзиладан кейин сув сатҳи 6 см га камайди ва шундан кейин кўтарилиш бошланди. 18 августда содир бўлган зилзила сув сатҳининг барқарорлаши кузатилди.


Тошкент вақти билан 2020 йил 7 сентябр куни Ўзбекистонда зилзила содир бўлди. Эпицентрда  $M=3,8$ ,  $H=30$  км. Сирдарё кузатув пунктида зилзила таъсирида сув сатҳи бирдан 6 см га тушиб кетди, ундан кейин сув сатҳи барқарорлашди. Тошкент кузатув пунктида зилзиладан 5 кун олдин сув сатҳининг пасайиши бошланди ва зилзиладан кейин сув сатҳи барқарорлашди. Газли кузатув пунктида эса зилзила бўлишидан 2 кун олдин сув сатҳининг пасайиши ва ундан кейин кўтарилиши кузатилди (4, 5, 6-расмлар).



4-расм. 3801/2-сонли Тошкент кузатув пунктида ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши



5-расм. 3814-сонли Сирдарё кузатув пунктида ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши



6-расм. 3815-сонли Қарши кузатув пунктида ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши

Сейсмик омилларнинг кузатув кудуклари режимини таъсири zilzilalar параметрларига, маҳаллий гидрогеологик шароитларга ва кудукларнинг тузилишига қараб алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, сув сатҳи ўзгаришининг гидрогеосейсмик ўзгаришларининг характерли намуналарини белгилайди.

Ҳозирги кунда ГГД майдон геодинамик маълумотларининг фақат бир қисмидан фойдаланилмоқда. Унинг геодинамик талқинининг ишлаб чиқилган усуллари йўқлиги туфайли ГГД мониторингининг муҳим ахборотлари талабга жавоб бермайди. Таъкидлаш жоизки, замонавий сейсмотектоник жараёнларни кузатиш мақсадида сув сатҳини кузатув маълумотларини микдорий талқин қилиш методикаси ривожланмаганлиги кузатилмоқда [2].

«ГИДРОИНГЕО институти» ДМ томонидан ишлаб чиқилган автоматлаштирилган Дайвер қурилмаси (GMM-1) ер ости сувлари сатҳини ва ҳароратини автоматик ўлчовчи, мунтазам кузатув ишларини олиб бориш имконини ошириб ва масофадан маълумотларни узатишда яхши самара кўрсатиб келмоқда. Бундай кузатув қурилмаларини кўпайтирган ҳолда ер ости кузатув пунктларига тадбиқ қилиш, маълумотларни масофадан туриб қабул қилишни йўлга қуйиш бугунги рақамлаштирилган даврнинг айна талабларидан бири ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Республика ҳудудида ер ости сувларининг самарали мониторинг тизимини яратган ҳолда, ГГД майдон кузатув пунктларини сифатини ошириш ва сонини кўпайтириш керак;

- Сейсмик фаол ҳудудларда жойлашган ер ости кузатув пунктларидан оқилона фойдаланиш лозим;
- Шимолӣ ва шарқӣ ҳудудларда ер ости янги кузатув пунктларини ўрнатиш ва уларни доимий назоратга олиш, масофадан маълумотларни жўнатишни такомиллаштириш керак;
- ГГД майдон интерактив харитасини яратиш ва маълумотлар базаси интеграциясини боғлаш, бу эса ўз навбатида республиканинг қайси ҳудудида zilzilalar содир бўлганини кўриш, ҳудуд яқинидаги кузатув пунктини маълумотларини тезкор таҳлил қилишга имконият яратади.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Копылова Г.Н. Гидрогеосейсмические эффекты в режиме подземных вод // Материалы научно-технической конференции «Комплексные сейсмологические и геофизические исследования Камчатки КСГПИК-2006», г. Петропавловск-Камчатский, 17-18 января 2006 г., С. 140-148.
2. Копылова Г.Н. Изменения уровня воды в скважинах под влиянием землетрясений // Вестник КРАУНЦ. Серия наук о Земле. 2005. № 5. С.113-126.
3. Шестаков В.М. Принципы гидрогеодинамического мониторинга // Разведка и охрана недр. 1988г, №8, с. 45-50.
4. Холбоев Ш., Райимов Ш.Ш. Зилзила даракчиларини башорат қилишда ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини баҳолаш // «Республикада геология ўқитишининг долзарб муаммолари ва Ер фанлари истикболлари» мавзусидаги республика миёсидаги илмий ва илмий-техник анжуман. Тошкент ш. 2020 йил 3-4 апрел (29-30 май)., 2-жилд 81-85 бетлар.
5. Бимурзаев Г.А., Саидова С.А., Холбаев Ш. Кузатув бургулаш кудукларида сув сатҳининг гидрогеосейсмик ўзгаришини турлаш // Геология ва минерал ресурслар журналы 2021 й. 5-сон., 59-64 бетлар.



УДК 551.4 (575.114)

**Нилуфар САБИРОВА,**  
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси, PhD  
E-mail: [nilufar.samsu@gmail.com](mailto:nilufar.samsu@gmail.com)

### АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ВА СУВ САТҲИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ

Аннотация

Мақолада Ўрта Осиёдаги энг йирик антропоген-ирригацион кўллардан бири бўлган, Айдар-Арнасой кўллар тизимини пайдо бўлиши ва шаклланиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Айдар-Арнасой кўллар тизими табиий географик жойлашуви жиҳатидан ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Кўллар тизимини шаклланиш давр уч босқичга бўлиб ўрганилган. Статистик маълумотлардан фойдаланиб, кўллар тизими сув сатҳининг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлари:** Кўллар тизими, сув сатҳи, антропоген-ирригацион кўл, ташлама сувлар, суғориладиган ерлар.

### ГЕНЕЗИС АЙДАР-АРНАСАЙСКОЙ ОЗЕРНОЙ СИСТЕМЫ И ДИНАМИКА ИЗМЕНЕНИЯ УРОВНЯ ВОДЫ

Аннотация

В статье приведены сведения о возникновении и формировании Айдаро-Арнасайской озерной системы, одного из крупнейших антропогенно-оросительных озер Средней Азии. Выделены особенности Айдаро-Арнасайской озерной системы с точки зрения ее физико-географического положения. Период формирования озерной системы изучался в три этапа. С использованием статистических данных проанализирована динамика изменения уровня воды озерной системы.

**Ключевые слова:** Система озер, уровень воды, антропогенно-ирригационное озеро, сбросные воды, орошаемые земли.

### GENESIS OF AYDAR-ARNASAY LAKE SYSTEM AND DYNAMICS OF CHANGE IN WATER LEVEL

Abstract

The article provides information on the origin and formation of the Aydaro-Arnasay lakes system, one of the largest anthropogenic irrigation lakes in Central Asia. The features of the Aydaro-Arnasay lake system from the point of view of its physical and geographical position are highlighted. The formation period of the lake system was studied in three stages. The dynamics of changes in the water level of the lake system was analyzed using statistical data.

**Keywords:** Lake system, water level, anthropogenic irrigation lake, waste water, irrigated lands.

**Кирриш.** Глобал иқлим ўзгариши жараёларининг жадал суръатларда ўсиб бориши ҳамда инсониятни табиатга таъсири ошган бир вақтда, XX асрнинг 60-йилларидан кейин, кўплаб янги ерларни ўзлаштириш натижасида жуда кўплаб антропоген-ирригацион кўллар пайдо бўлди. Ана шундай кўллардан энг йириги Қизилқум ва Мирзачўл чўллари оралиғида жойлашган, Айдар шўрхоклиги ўрнида юзага келган Айдар-Арнасой кўллар тизимидир. Айдар-Арнасой кўллар тизими нафақат Ўзбекистондаги шу билан бирга Ўрта Осиёдаги ўзига хос бўлган энг йирик антропоген-ирригацион кўллардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот ҳудудида мавжуд бўлган Айдар-Арнасой кўллар тизими табиий географик жойлашуви жиҳатидан ўзига хос хусусиятларига эгадир. Булар:

- Ўрта Осиёдаги энг йирик дарёлардан бири Сирдарё ҳавзасининг ўрта қисмида жойлашганлиги;
- Ўрта Осиёдаги энг йирик чўллардан бири Қизилқум чўлининг катта қисмини қамраб олганлиги;
- Мирзачўл воҳаси билан туташлиги;
- Шимолий Нурота тоғ тизмалари билан туташлиги, ландшафт хусусиятлари чўл+кўл+тоғ учлигини ҳосил қилиши;

➤ Айдар ботиғи ўрнида Тузкон, Арнасой, Айдаркўл кўллари бирлашиб кўллар тизимини ҳосил қилган бўлиб, ушбу кўл катталиги жиҳатидан Ўрта Осиёда (Каспий, Балхаш, Исикқўл, Орол кўлидан кейин) 5-ўринда, Ўзбекистон Республикасида Орол денгизидан кейин иккинчи ўринда туради ва шарқдан ғарбга томонга 175 км узунликда жойлашган ягона кўл ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларни Е.Н.Горелкин [1; 2] Р.Кулматов [11], А.Б.Примов., Б.Т.Курбанов [4], Э.И.Чембарисов [6] ҳамда хорижий илмий тадқиқотчилардан М.Гролл [9] (Германия), К.Родина [12] (Венгрия), С.Вахюни [13; 14] (Япония), Б.Велкомирский [15] (Польша), Ж.Ф.Кратаух [10] (Франция) ва бошқа мамлакат олимларининг илмий тадқиқотларида учратиш мумкин.

Аммо, ушбу тадқиқот ишларида Айдар-Арнасой кўллар тизимининг экстремал ҳолатлари (сув сатҳини кўпайиши ва камайиши) билан боғлиқ жараёнлар ва кўлни атроф ландшафтларга таъсири, экологик хавфсизлик масалалари ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Айдар-Арнасой кўллари тизими Айдар ботиғи ўрнида ҳосил бўлган бўлиб, ботикнинг жанубий чегаралари Нурота тоғларига, шимолий-ғарбий ва ғарбий чегаралари Шарқий Қизилқум чўлига, шарқий қисми Мирзачўл воҳасига туташади. Ботик тектоник жиҳатдан ер ёриғида жойлашганлиги сабабли ёйсимон кўринишга эга. Маълумотларга қараганда, тўртламчи даврда ботик ўрнидан Сирдарё оқиб, Қизилқум томон йўналганлиги тахмин қилинади. Умуман, тўпланган статистик ва илмий адабиётлар таҳлили асосида, Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланишини уч даврга бўлиб ўрганидик. Булар:



- ❖ биринчи давр кўлнинг пайдо бўлган даврдан (Тузкон кўли) то 1969 йилгача бўлган давр;
- ❖ иккинчи давр 1969 йилдан 1992 йилгача бўлган давр;
- ❖ учинчи давр 1992 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган давр.

Тадқиқот давомида узоқ йиллик статистик ва тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлил қилинди.

**Таҳлил ва натижалар.** Айдар-Арнасой кўллар тизимини шаклланишни *биринчи даврда* дастлаб кўллар тизими орасида илк Тузкон кўли вужудга келган. Бу кўл 1950 йилларга қадар, фақатгина Қли дарёси суви билан тўйиниб келган. Тузкон кўли номидан ҳам маълумки, тузга жуда бой кўл бўлган. Маълумотларга қараганда, Тузкон кўлидан маҳаллий аҳоли 1969 йилга қадар истеъмол учун туз қазиб олишган.


Н.Д.Кенесарин [3] кўллар тизими ҳосил бўлгунига қадар Тузкон кўлининг узунлиги 30 км, кенглиги 5 км, ҳажми  $2,25 \text{ км}^3$ , майдони  $150 \text{ км}^2$ , туз захираси 41,8 млн тоннани ташкил этганлигини таъкидлайди.

Сирдарёнинг суви асрлар давомида Мирзачўлни ўзлаштиришга ишлатилиб келинган. Собик иттифоқ даврига келиб, суғориш тизими сезиларли даражада ортган ва бу даврда сувга бўлган талаб ҳамда шу билан бирга суғориладиган ерлар майдони ҳам кенгайиб борган. Жумладан, Мирзачўлда суғориладиган ерлар майдони 1939 йилда 95 минг гектарни, 1948 йилда 150 минг гектарни, 1956 йилда эса 206 минг гектарни ташкил қилган. Суғориладиган ерларда тупроқ шўрланиши муаммо бўлаётганда уни бартараф этиш учун зовур-дренаж сувлари Арнасой ботиғига (1957-1966 йилларида) тахминан  $2 \text{ км}^3$  сув оқизилган ва 1957 йилда Арнасой ботиғи ўрнида кичик-кичик кўллар пайдо бўлган.


*Иккинчи давр.* Айдар-Арнасой кўллар тизимининг тўлиқ шаклланиши 1969 йилга тўғри келади. Сабаби, 1969 йилда ёгин-сочин миқдори кўп бўлгани ҳамда Ўзбекистон дарёлари учун, энг кўп сувли йил эканлиги билан изоҳланади. 1969 йил февралдан 1970 йил март ойигача Чордара сув омборидан ортиқча (Чордара сув омбори 1965 йилда Мирзачўлни суғориш мақсадида барпо қилинган, сув сиғими 5,4 км кубга тенг)  $21,8 \text{ км}^3$  сув Арнасой ва Айдар ботиғлари томон оқизилган. Шу даврда кўлнинг майдони  $300 \text{ км}^2$  дан  $2300 \text{ км}^2$  га ошади. Сув киримининг кўпайиши ҳисобига сув сатҳи Тузкон кўлида 22 метрга, Айдаркўл кўлида эса 10 метрга кўтарилган [1]. Натижада бу ерда  $2300 \text{ км}^2$  майдонга эга бўлган 3 та кўлнинг қўшилишидан (Тузкон, Арнасой, Айдар кўл) Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳосил бўлган. Е.Н.Горелкиннинг [2] маълумотларига қараганда 1969-1970 йиллар оралиғида, Чордара сув омборидан кўлга сув билан бирга 18,4 минг тоннагача туз эритмалари тушган. Гарчи сув омборнинг минерализация даражаси ўша даврларда 750-900 мг/л бўлган бўлсада, катта миқдордаги  $21,8 \text{ км}^3$  сув, кўлнинг сув-туз балансига ўз таъсирини кўрсатиб, кўлда тузнинг аккумуляция бўлишига олиб келган.

Айдар-Арнасой кўллар тизимига 1990 йилгача Чордара сув омборидан сув ташланмаганлиги сабабли кўл сув ҳажми  $14 \text{ км}^3$  га, майдони  $1800 \text{ км}^2$  га қисқаради [11].

*Учинчи давр.* 1992 йилда Қирғизистон Республикасидаги Тўхтагул сув омборини (майдони  $284 \text{ км}^2$  ҳажми  $19,5 \text{ км}^3$ ) электр энергия тизимига ўтиши муносабати билан йилнинг сув кераксиз вақтларида, сув кўлга томон оқизиб турилган [12]. Чордара сув омборидан 1993-2010 йиллар давомида  $38 \text{ км}^3$  дан ортиқ сув кўлга ташланган. Биргина 1994 йилнинг ўзида, кўлга  $9 \text{ км}^3$  сув ташланади (1-3 расмлар). 1993 йилдан 2010 йилгача кўллар тизимининг сув сатҳида катта ўзгариш кузатилган ва кўл майдони  $3039 \text{ км}^2$  дан  $3748 \text{ км}^2$  га ошган. Натижада, 120 минг гектар яйлов ерлар, автомобиль йўллари, шахта қудуқлари, кўйхоналар сув остига қолган.




1-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизимига Чордара сув омбори ва ирригацион ташлама сувлар оқими. (ЎзГМИТИ; Cretaux et al. 2015, Groll et al., 2016, маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган).



2008 йилгача кўлнинг умумий морфометрик кўрсаткичлари қуйидагича бўлган. Унинг узунлиги 175 км, эни 45 км, ўртача чуқурлиги 10-12 метрдан энг чуқур жойлари 26-30 метргача, айрим жойларини чуқурлиги ҳатто 40 метргача боради, сув сатҳи денгиз сатҳидан ўртача 245 метр баландликда, максимал 275 метргача, сув ҳажми 44,1 км<sup>3</sup> бўлиб, умумий майдони қарийб, 4000 км<sup>2</sup>ни ташкил қилган [9; 11; 13].

Ҳозирги вақтда, Айдар-Арнасой кўллар тизими Жиззах вилоятидаги Окбулоқ, Сангзор дарёсининг Қли ташламаси, Чордара сув омбори ва Арнасойга қуйилаётган Марказий Мирзачўл ташламаси ҳисобига тўйинмоқда. Лекин, сув сатҳининг юқори даражада кўтарилган даврларининг барчаси (1969, 1994) Чордара сув омбори билан боғлиқ.



**2-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизими сув сатҳининг ўзг ариш динамикаси** (ЎзГМИТИ; Cretaux et al. 2015, Groll et al., 2016, маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган).

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг сув ҳарорати +30С<sup>0</sup> даражагача етиб боради ва шу билан бирга юқори буғланиш билан характерланади. Гидрометеорология илмий тадқиқот институти олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, буғланиш миқдори ботиқларнинг геоморфологик тузилиши билан боғлиқ бўлиб, саёз ва чуқурликларда тафовут сезилади. Мисол учун, Айдаркўлда кўлнинг шарқий қисмида буғланиш 1100 ммга етса, Шарқий Арнасойда бу ҳолат 1400 ммни ташкил қилади [7; 11].

**3-расм. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг USGS Landsat 1-5 ва Landsat7 архивидаги суратлари.**  
<https://glovis.usgs.gov/app>, <https://landlook.usgs/viewer.html>

Очиқ сув юзасидан ташқари, транспирация ҳам буғланишнинг сарфланишига ҳисса қўшади. Бунга кўл атрофдаги ландшафт флораси таъсир кўрсатади. Кўл юзасидан буғланиш 86%га тенг бўлса, ўсимликлар орқали кўл сувининг транспирацияси 14%ни ташкил қилади. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ўртача йиллик буғланиши 1200 ммга тенг ва кўл суви юзасидан тахминан йилига 3,8-4,2 км<sup>3</sup> сув буғланади. Кўл сувининг минерализацияси деярли буғланишга таъсир кўрсатмайди [9; 8; 5].

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кўлнинг юқори қисмида, Арнасой сув омбори жойлашган бўлиб, бу сув омбори кўлни Чордара сув омбори билан боғлайди. Ҳар йили ушбу сув омборнинг 1,5 км<sup>3</sup> суви унинг атрофдаги Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик туманларининг 45 минг гектар суғориладиган ерлари учун сарфланади. Шунинг учун кўллар тизимининг йиллик сув балансини тадқиқ қилишда суғоришда ишлатиладиган сув миқдори ҳам ҳисобга олиниш лозим ҳисобланади.

Шунингдек, кўл суви 2011-2013 йиллар оралиғида 7,8 км<sup>3</sup>, биргина 2013 йилнинг ўзида 1,9 км<sup>3</sup> камайган [10]. Ушбу йиллардан то 2018 йилгача бўлган давргача кўлнинг сув сатҳи 245 метр мутлоқ баландликдан пастга (244-243 метр мутлоқ баландлик) тушган (2-расм). Кўл морфометрик кўрсаткичларида ҳам сезиларли камайиш кузатилмоқда. Бугунги кунда, кўл сув ҳажми 44,1 км<sup>3</sup> дан 37,3 км<sup>3</sup>га, майдони эса 3373 км<sup>2</sup> етган. Бу каби сув сатҳининг камайиши кўлга ва унга туташ бўлган худудларга ўзини салбий таъсирини кўрсатиб боради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Горелкин Е.Н. Гидрохимическая характеристика восточно-Арнасайских озер. //Озера и водохранилища Средней Азии. Труды САРНИГМИ вып. 50 (131). –Ленинград. Гидрометеоиздат, 1977. –С. 43-54.
2. Горелкин Е.Н. Солевой баланс Арнасайской озерной системы. //Озера и водохранилища Средней Азии. Труды САРНИГМИ вып. 66 (147). –Ленинград. Гидрометеоиздат, 1979. –С. 25-39.

3. Кенесарин Н.А. Формирование режима грунтовых вод орошаемых районов на примере Голодной степи. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1959. 112 с.
4. Примов А.Б., Курбанов Б.Т. Использование современных геоинформационных технологий при решении проблемы Айдаро-Арнасайской озерной системы. //Роль молодежи в развитии научных исследований для водного хозяйства и мелиорации земель: мат. Рес. науч. прак. конф. –Т.:, 2008. –С. 216–220.
5. Сабирова Н.Т. Арид иклимли минтақа кўллари тадқиқ этишнинг долзарб масалалари. (Айдар-Арнасой кўллар тизими мисолида). //Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 51-жилд. Тошкент, 2017. -Б. 93-95.
6. Чембарисов Э. И., и др. Гидрологический и гидрохимический режимы коллекторно-дренажных вод, впадающих в Айдаро-Арнасайскую озерную систему. //Пути повышения эффективности орошаемого земледелия, № 1(61)/2016. –С. 191-196.
7. Экспедиционное обследование. Айдаро-Арнасайской системы озер в период с 21 сентября по 5 октября 2011.
8. Abbasov S.B. and Sabirova N.T. Aydar-Arnasay lake system: Ecological safety and its problems of sustainable development. //European science review. № 5-6, -Vienna, 2018. -P. 42-45.
9. Groll M., et al. Rise and decline of the fishery industry in the Aydarkul-Arnasay Lake System (Uzbekistan): effects of reservoir management, irrigation farming and climate change on an unstable ecosystem. //Environ Earth Sci. 2016. V.75:921. –P. 1-15.
10. Crétaux J.F. et al. Global surveys of reservoirs and lakes from satellites and regional application to the Syrdarya river basin. //Environ. Res. Lett. 2015. V. 10: 1-14.
11. Kulmatov R., et al. 2018. Status quo and present challenges of the sustainable use and management of water and land resources in Central Asian irrigation zones - The example of the Navoi region (Uzbekistan). //Quaternary International. Vol.464. 396-410.
12. Rodina K . They Aydar–Arnasay lakes system: formation, functions and future water management scenarios. //Master of science thesis. Central European University, -Budapest. 2010. -120 p.
13. Wahyuni S., et al. Analysis of water-level fluctuations in Aaydarkul-Arnasay-Tuzkan lake system and its impacts on the surrounding groundwater level. //Annual Journal of Hydraulic Engineering, JSCE, 2009. Vol.53: 37-42.
14. Wahyuni S., Oishi S., Sunada K et al. The estimation of groundwater exchange in Aydarkul-Anasay lake system by a lake water balance model. //Annual Journal of Hydraulic Engineering, JSCE, 2010. Vol.54: 205-210.
15. Wilkomirski B. Aydarkul-Arnasay lakes system (AALS) – Ecological disaster or a new paradise?. // Uzbekistan in the Central Asia region: geography, geoeconomics, geocology. Intern.scien. and prac.conf. Tashkent, 2017. –P. 6-9.



УДК. 553. 59(575.1)

*Феруза ТАДЖИБАЕВА,*

*Ўзбекистон Миллий университети стажёр ўқитувчиси*

*E-mail: [feruzaahmedovna1990@gmail.com](mailto:feruzaahmedovna1990@gmail.com)*

*Мафтунна САИДОВА,*

*Ўзбекистон Миллий университети стажёр ўқитувчиси*

*E-mail: [maftunasaidova1994@gmail.com](mailto:maftunasaidova1994@gmail.com)*

*Геология ва геофизика институти г.м.ф.н профессор А.Мусаев тақризи асосида*

#### POTENTIAL FOR THE CREATION OF A BASE OF MINERAL RAW MATERIALS OF SEMI-PRECIOUS AND COLORED STONES, WIDESPREAD IN THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.

Abstract

This article focuses on the lighting of semi-precious colored stones. There are many deposits of colored stones in the territory of the Republic, and several deposits and jade stones have been studied at the mining level. Modern demand Today it is important to create a base of mineral resources of panel stones in the territory of the Republic to bring them to the industrial level and to process various colored stones and make various souvenir stones. The article presents the results of research and studies on various semi-precious colored stones and their representatives in the territory of the republic.

**Keywords:** Precious stones, color, research, analysis results, representatives, raw material base, souvenirs, production

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ЯРИМҚИММАТБАХО ВА РАНГЛИ ТОШЛАРНИ МИНЕРАЛ ХОМ АШЁ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ САЛОХИЯТИ.

Аннотация

Ушбу мақолада яримқимматбахо рангли тошларни ёритишга эътибор берилган. Республикамиз ҳудудида кўплаб рангли тошлар намоёндаси бўлиб, кон даражасида бугунги кунгача бир нечта конлар, яшма ва фируза тошлари кон даражасида ўрганилган. Ҳозирги кунда рангли тошлар минерал хом ашё базасини Республикамиз ҳудудида яратиш саноат даражасига олиб чиқиш ва рангли тошларни қайта ишлаш натижасида ҳар хил сувенир тошлар тайёрлаш, чет эллик инвесторларни жалб қилиш, экспорт боп рангли тошларга сайқал бериш муҳим аҳамият касб этади. Мақолада республикамиз ҳудудида кенг тарқалган ва бугунги кунда кам ўрганилган турли хил қимматбаҳо, яримқимматбаҳо рангли тошларга ва уларнинг намоёндалари ўрганиш ҳамда изланишлар натижалари келтириб ўтилган.

**Калитли сўзлар:** Қимматбаҳо тошлар, ярим қимматбаҳо рангли тошлар, изланишлар, таҳлил натижалари, намоёндалар, хом ашё базаси, сувенир, ишлаб чиқариш

#### МИНЕРАЛЬНО-СЫРЬЕВОЙ БАЗЫ ПОЛУДРАГОЦЕННЫХ И ЦВЕТНЫХ КАМНЕЙ, ШИРОКО РАСПРОСТРАНЕННЫХ НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.

Аннотация

Эта статья посвящена освещению полудрагоценных цветных камней. На территории республики много месторождений цветных камней, а несколько месторождений и нефрита изучены на горном уровне. Современный спрос на сегодняшний день важно создать на территории республики базу минерально-сырьевых ресурсов цветных камней для доведения их до промышленного уровня и обработки различных цветных камней и изготовления различных сувенирных камней. В статье представлены результаты исследований и изучения различных полудрагоценных цветных камней и их представителей на территории республики.

**Ключевые слова:** Полудрагоценные камни, цветные камни, исследование, результаты анализа, представители, сырьевая база, сувениры, производство.

**Долзарблиги:** Ўзбекистон Республикаси Президенти охириги йилларда геология соҳасини ривожлантириш, нафақат республикамизда, балки хорижий давлатлар, ўрта осие давлатлари орасида, геология соҳасини салоҳиятини оширишда чет эл давлатлари билан ҳамкорликда ишлаш, уларни иш тажрибасини республикамизга олиб киришдан иборатдир.

Республикамизда геология соҳаси охириги йилларда жадал суъратларда ривожланмоқда, янги конлар очилмоқда, янги фойдали қазилмалар намоёндалари пайдо бўлмоқда.

Шулар қаторида, Республикамиз ҳудудида мрамарли оникс ва бошқа рангли тошлар кахоланг, родонит, жадеит, гранат, литсвенит, нефритсимон рангли тошларни ўрганиш бўйича, геологик излаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунга қўшимча, равишда Республикамиз ҳудудида заргарлик буюмлари учун хом-ашё сифатида, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва рангли тошларни излаш ва қидириш ишларини олиб боришни тавсия қилишдир.

Қимматбаҳо, яримқимматбаҳо ва рангли тошларга фируза, аметист, яшма, змеевик, сердолик, агат, халцедон, нефрит, тоғ хрустали, берилл ва корунд рангли тошлар қиради.

Бу мақолани илгари суришдан мақсад, заргарлик безак буюмлари хом-ашё минерал базасини яратишдир. Бундан ташқари, ёш геологларни келажакда шу соҳага қизиқтириш ва таёрлашдир, қимматбаҳо, яримқимматбаҳо ва рангли

тошлар бўйича композитли альбомлар тайёрлаш, маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни шу соҳага кўпроқ жалб қилиш инвестиция олиб киришдан иборатдир.

**Кириш.** Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 450 та қимматбаҳо тош хом-ашёси объектлари, шу жумладан 28 та кон, 112 та кўриниш (шу жумладан 8 та истиқболли) ва 299 та минерализация пунктлари мавжудлиги аниқланган бўлиб, уларни илмий техник йўналишда геологик ишлар олиб борилган.

Ҳозирги кунда Республикада бир неча ўнлаб турли хилдаги қимматбаҳо рангли тошлар хом-ашёлари маълум, аммо давлат балансида рангли тошларнинг ўнга яқин конлари мавжуд: мрамарли оникс, бирюза, кахолонг, опал, агат, родонит, лиственит.

Олдин олиб борилган геологик илмий тематик ишлари натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир қанча заргарлик буюмлари ва безак тошлари учун хом-ашёли истиқболли майдонлар намояндalари мавжуд бўлиб, уларнинг қанчалик истиқболлиги аниқланмаган.

**Таҳлил ва натижалар.** Куйида шу истиқболли қимматбаҳо, яримқимматбаҳо ва рангли тошлар намояндalари тўғрисида, қисқача маълумот бериб сўз юритмоқчимиз.

Таҳлил қилишдан олдин қимматбаҳо, яримқимматбаҳо ва рангли тошларга бугунги кунда, талаб даражаси қанчалик ўсганлиги, уларни миқдори, сифати, сувенирбоплиги, саноат захирасини аниқлаш муҳимдир.

Фируза тоши - кўк, зангори яшил, олма ва кул ранг яшил рангдаги минерал бўлиб, у крипто кристалли агрегатлар, томирлар, қобиклар, узлуксиз массали бўлакчи ва ярим ёйма овали шаклда бўлади.

Феруза тоши - кўк ёки яшил рангдаги машҳур безак тошидир. Феруза тоши Туркия орқали ўтган Ипак йўли бўйлаб Эрондан Европага етказилган, шунинг учун ҳам Европаликлар кўпинча французча "турктоши" деган маънони англатувчи фируза минерали деб юритишган.

Фируза намояндalи майдонлар бир қанча бўлиб, бу Республикадаги ғарбий, шарқий қисмларида кен тарқалган, бугунги кунда бизларда бу фируза тоши намоядasi майдонлари бўйича маълумотлар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли, бор бўлган маълумотлар фақат илмий тематик излаш геологик ҳисобларида бўлиб, давлат балансида олинмаг

Шаугаз фируза тоши намоядasi.

Шаугаз фируза намояни Курама тоғларининг шимолий ёнбағрида Каттасойнинг ўнг ён бағрида, Саноксой билан жануби-шарқий қўшилиш жойида 200 м баланликда жойлашган.

Маъмурий жиҳатдан жойлашуви Тошкент вилояти Оҳангарон тумани таркибига киради. Бу ерда қалинлиги 2-3 см дан 20 см гача бўлган кўп сонли майда тектоник ёриқлар кайд этилган бўлиб, улар асосан шимоли-шарқга урилиб, жануби-шарқ тарафга чўккан.

Аметист Таштаунинг намоядasi.

Аметист Таштаунинг намоянинг маъмурий жойлашуви-Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида, Чотқол тизмасининг жануби-ғарбий этакларида, Тоштау тоғларида, Қорабашойнинг чап томонида, Оҳангарон шаҳридан 20 км шимоли-шарқда жойлашган. "Ўзрангтош" Давлат экспедицияситомонидан 1978-1997 йилларда геологик излаш ишлари олиб борилган. Кабачон аметист ресурсларини ҳисоблашда 10 м чуқурликдаги геологик блоклар усули билан амалга оширилган. Ресурс блокларининг зоналар бўйича ҳажми 1000 м<sup>3</sup>, Р1 тоифали ресурслар 180.2 кг. Ҳисобланган, участкада бошқа геологик босқичларда кидирув ишларини олиб бориш, олдинги геологлар томонидан тавсия қилинган.



Аметист бинафша рангли, шаффоф ялтироқлиги

Яшма (жапер) рангли тоши намоядasi

Яшмалар (жасперлар) таркибига турли хил таркибли ва генезли жинсларнинг катта гуруҳи киради, уларнинг бирлаштирувчи хусусияти юқори кремний диоксида, юқори қаттиқлик, шаффофлик, крипто- ва микро-грануляр тузилиш, чиройли ранглар ва нақшлар ва донларни қабул қилиш қобилиятидир. сайқалланишидир. Ўзбекистон ҳудудида ҳозирги кунга қадар яшманинг (жаспернинг) 25 та кўринишли намояни ва 1 та кони маълум. Талсой яшма кони бугунги ҳолати бўйича геологик маълумотлар йўқ. Яшма тоғ жинсларининг ранги асосан темир ва марганец оксидларининг мавжудлиги билан боғлиқ ва шунинг учун унда кизил, жигарранг, баъзан сариқ ва яшил рангларнинг турли хил соялари устунлик қилади.

Сердолик тоши





Аксу Агат намояндаси жойлаўшаган жойи  
Алтынсайский тумани, қишлоқлардан 10 км ғарбда. Вахшивар, қишлоқлардан шимолга 3,5 ва 5,0 км. 38°19'51" шим.

Агат ингичка чизикли, оқ, зангори-кулранг ва оч сарик (майда бодомсимон безларда) 0,3-2,0 см, пайдо бўлиши қалинлиги - 25, узунлиги - 100 м. Тематик ишлар давомида ресурси ҳисобланмаган Участкада геологик излаш ва кидириш ишларини олиб борилса, геологик ва саноат захирасини олиш мумкин.



Кундаджуаз Змеевик намоянадаси жойлашуви

Сариёсиё тумани, темир йул вокзалидан 50 км шимолда. Ҳисор тизмасининг жануби-ғарбий тизмаларидаги Сари-Осиё 38°38'30"Ш 67°52'15"Д. J-42-XIII Кенглиги 0,4 км гача бўлган қатламлараро танаси ғарбдан диабазлар ва диабаз порфиритлари ва шарқдан диабаз порфиритлари билан қўшилган конгломератли сланецлар ўртасида шимоли- ғарбга тўғри келади. Серпантинитлар тўқ кўк ва яшил-кўк рангга бўялган, кескин сингиб кетган, ғижимланган. Уларнинг ёнида олижаноб серпантин ривожланади. Яшил ва куюк яшил рангни боғланг. Захиралари ҳисобга олинмаган Қидирувларни ўтказиш босқичи, ихтисослаштирилган кидирув ишлари олиб бориш тавсия қилинади. минералогик қизиқиш уйғотади.



Барқарак Берилл.

Бўстонлиқ тумани, қишлоқлардан 60 км. Пскем 42°09'26"Ш 0°58'48"Д.

Чотқол-Кураминская структуравий-форматсион кичик зона. Майдантал интрузив (С3) гранитлари билан бирга келган С1 оҳақтошлар. Гранитлар ва пегматитлар билан биргаликда. Призматик кўринишдаги яхши шаклланган ёкриталлар, оқ, очиккўк ранглар билан уйкаш келади.

Тоғ хрустали намоядаси

Одатда, тоғ хрустали кристалларининг ўлчамлари 2-4 см диаметра, лекин узунлиги 2 м га етадиган жуда кичик (1 мм гача)



Нефрит номояндаси

Аютор минераллашув пункти Бўстонлиқ туманида, Аютор Шарқий оқимининг юқори оқимида, Ойганинг гидрометеорология станциясидан 6,8 км шимолда, 42°11'55" шим., 70°48'55" шим. Продуктив ҳосиласи карбонатли, генетик тип гидротермал-метасоматикдир. Оҳақтошларда, ингичка томирлар ва линзаларда қалинлиги 10 см гача, нефритдан ясалган. Жойлашувни, нефрит минерали мавжудлигини аниқлаш учун Пскем тизмаси ҳудудида илгари ихтисослаштирилган кидирувларни ўтказиш керак.

**Хулоса.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил февралдаги №2298 “Тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2015-2019 йиллар учун бутловчи қисмлар ва материаллар амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги зарагарлик хом-ашёси учун ярқли, қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва рангли тошларни излаш ва кидириш геологик лойиҳасини тузишда, бугунги кунда, қиммат ва ярим қимматбаҳо тошларга бўлган талаб юқорилигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги

зарагарлик хом-ашёси учун яроқли бўлган, рангли тошлар намояндаси олдинги ўтилган тематик ва излаш ишлари бўйича тузилган геологик ҳисоботи, кўриб чиқилиб, уларни ичидан истиқболли майдонлар танлаб олинди. Юкорида, қайд этилган қиммат ва ярим қимматбаҳо рангли тошлар намояндаси истиқболли майдонларни аниқлаб, геологик кидирув ишларини йўлга қўйишдир. Геологик излаш ва кидириш ишларини 3 этапга бўлинди, чунки уларни жойлашуви ва худуда тарқалишига қараб ўрганилади.

Бу геологик лойиҳани илгари суришдан мақсад, қиммат ва ярим қимматбаҳо рангли тошларни Республикамизда қанчалик кенг тарқалгани, уларни келиб чиқиши, рентабиллиги ҳамда ярим қимматбаҳо рангли тошлар минерал хом-ашё базасини яратишдир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Акоев Ю.Г. Отчет о поисково-оценочных работах ан месторождении родонита Новое за 1979-81 гг.
2. Журавлев Ю.П. Отчет о тематических работах «Анализ, обобщение и паспортизация проявлений и месторождений камнесамоцветного сырья Республики Узбекистан за 1992-95 гг».
3. Орлов В.М. Отчет о детальных поисках на месторождениях кахолонга Сарыктау и Сарыктау Западный за 1981-83 гг.
4. Орлов В.М. Отчет о детальных поисках на месторождениях кахолонга Ак таш за 1983-85 гг.
5. Орлов В.М. Отчет о предварительной разведке месторождения кахолонга Акташ за 1983-1985 г.
6. Талипов А.С. отчет о поисково-оценочных работах на декоративные камни Узбекистана за 1970-1974 гг.
7. Тишинская О.В. отчет о тематических работах по изучению серпентинитов участков Каракия в качестве огнеупоров 1996-97 гг.
8. Шиманов Е.А. отчет о предварительной разведке месторождения кахолонга и опала Айтым за 1980-1981 гг.
9. Шиманов В.И. Отчет о предварительной разведке месторождения кахолонга и опала Айтым за 1991 г.
10. Эргешов А.М. Информационный отчет о переоценке драгоценных и полудрагоценных камней Республики Узбекистан за 2018 г.



УДК 314.8 (575.1)

*Зулхумор ТОЖИЕВА,*

*Ўзбекистон Миллий университети профессори*

*E-mail: z\_tadjieva@mail.ru*

*Муаззам САБИРОВА,*

*Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти*

*E-mail: mua1993.10@mail.ru*

*ЎзМУ доценти, г.ф.н. М.Эгамбердиева тақризи асосида*

## ПОСЛЕДСТВИЯ ПАНДЕМИИ ПРИ ДЕМОГРАФИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ

Аннотация

В современном глобализирующемся мире влияние пандемии напрямую отражается на таких процессах, как рост, воспроизводство населения. В условиях пандемии происходит не только демографический кризис, с которым сталкиваются страны, но и экономический. Это позволяет странам переходить от одного этапа к другому в своем демографическом развитии. В результате изменения закономерностей воспроизводства населения, ослабления доверия населения к завтрашнему дню в демографическом развитии, приводит к снижению демографической склонности населения. Исследованы такие закономерности развития, как проявление влияния пандемии на демографическое развитие при переходе от расширенного воспроизводства населения к простому воспроизводству, при переходе от прогрессивного типа возрастной структуры населения к стационарному или регрессивному.

**Ключевые слова:** Воспроизводство населения, демографический взрыв, демографическое старение, демографическое омоложение, демографический кризис, депопуляция.

## CONSEQUENCES OF PANDEMIC DEMOGRAPHIC DEVELOPMENT

Annotation

**Kirish.** Avtomobil yo'llari va yo'l inshootlarini qurishdan avval yo'l qurilishi materiallari tanlanadi. Yo'l qurilishi materiallarini tanlashda albatta avtomobil yo'llari va inshootlarini qanday sharoitda ishlashini va ularning tashqi kuchlariga qanday bardosh berishini hisobga olish lozim. Transport xarakatidan yo'l qoplamasida vujudga keladigan deformatsiyalarni, ya'ni geometrik o'zgarishlarni va bu o'zgarishlar bilan zo'riqishlar orasidagi munosabatlar oldindan bilmasdan turib yo'l qurilishi materiallarini tanlab bo'lmaydi. Demak, avtomobil yo'llari va inshootlarini qurish va ularni ta'mirlash uchun zarur bo'lgan materiallarning tarkibi, tuzilishi, kimyoviy, fizika va mexanik xossalari, texnologiyasi va foydalanish xususiyatlarini ifodalovchi ko'rsatgichlarni oldindan bilish kerak.

Asfaltbeton strukturasi murakkab bo'lgan qurilish materiallari sarasiga kiradi. Uning murakkabligi shundan iboratki, uning xususiyatlari rangbarang faktorlarga bog'liq bo'lib ob-havoning xarorati natijasida keskin o'zgarishlarga molik bo'ladi. Asfaltbetonning bu xususiyatlari yo'l qurilishida qo'llaniladigan boshqa qurilish materiallaridan o'ziga xosligi bilan alohida ajralib turadi. Ob-havoning ijobiy haroratida asfaltbeton o'zining qovushqoq-plastik holatini, salbiy haroratda esa aksini namoyon qilishi bilan xarakterlidir [1].

Asfaltbeton foydali va salbiy xususiyatlarga ega. Asfaltbetonning foydali xususiyatlari quyidagicha: elastik chegarasida u juda mustahkam, egilish va deformatsiyaga yaxshi ishlab, transport natijasida xosil buluvchi tebranma kuchlarni so'ndirish qobiliyatiga ega. Asfaltbetonli yul qisqa vaqt ichida foydalanishga topshirish imkonini beradi, tuzatish ishlari tez va oddiy usul bilan olib boriladi.

Asfaltbetonning salbiy xususiyatlari quyidagicha: asfaltbeton tarkibidagi organik bog'lovchi materiallarning emirilishi natijasida asfaltbeton xam emiriladi. Tashqi muxit ta'sirida asfaltbeton elastik xususiyatini o'zgartiradi va natijada yo'l yuzasida baland-pastliklar yoriqlar paydo bo'ladi. Qurilish ishlari ob-xavoga xam bog'liq bo'lib, ko'rsatilgan kamchiliklar qurilish ishlari tannarxining yuqori bo'lishiga olib keladi.

Asfaltbetonning tasnifi quyidagicha:

1.Issiq asfaltbeton qorishmalarni yotqizish vaqtida xarorat 120-1600, zichlash xarorati 90-1600S bo'ladi. Issiq asfaltbeton qorishmalar uchun yopishqoqlik xususiyati yuqori bo'lgan bitumlar-BND 40/60, BND 60/90, BND-90/130- ishlatiladi.

2.Iliq asfaltbeton qorishmalarni tayyorlashda xarorat 90-1400S, yotqizish vaqtidagi xarorat 70-1000S. zichlanish xarorati 60-800S dan kam bo'lmasligi kerak. Iliq asfaltbeton qorishmasini tayyorlashda yopishqoqlik xususiyati o'rta bo'lgan bitumlar (BND 130/200, BND 200/300, SG 130/200)ishlatiladi.

3. Sovuq asfaltobeton qorishmalarni tayyorlash vaqtidagi xarorat 80-1000S. yotqizish va zichlanish vaqtidagi xarorat 5-400 S bo'lishi kerak. Sovuq asfaltobeton qorishmalar GOST 11955-74 bo'yicha o'rtacha qotuvchi yoki sekin qotuvchi (ST yoki MG) sinflariga kiruvchi suyuq bitumlardan (MG 70/130 yoki SG 70/130) foydalanish yuli bilan amalga oshiriladi.

Aralash tasnifi Bunday materiallar aralashmaning tarkibiga va uning tarkibiy qismlarining xususiyatlariga bevosita bog'liq bo'lgan bir necha asosiy parametrlarga ko'ra tasniflanadi. Birinchidan, ular mineral komponentlar turlari bo'yicha tasniflanadi:

- A turi. Ushbu harf belgisi ushbu turdagi materiallarda ezilgan toshning ulushi 50 dan 60% gacha ekanligini ko'rsatadi.

- B turi. Ushbu shaklda ezilgan toshning ulushi allaqachon kamayib, 40 dan 50% gacha o'zgarib turadi. B turi. Alfavit boshidan qancha uzoqroq bo'lsa, mineral komponentning nisbati shuncha kichik bo'ladi. Ushbu turda u 30-40% atrofida o'zgarib turadi.

- G turini yozing. Ushbu material, yuqorida aytilganlarning barchasidan farqli o'laroq, ezilgan toshni emas, balki qumni o'z ichiga oladi. Odatda bu maydalanish paytida olingan qum yoki tabiiy qum bilan aralashmasi. Ammo har qanday holatda ham, tabiiy qum tarkibidagi ulush 30 foizdan oshmaydi.

- D turini. Ushbu material tabiiy qumlarga va tabiiy mahsulotlarning massa ulushi 70% dan oshmasligi sharti bilan maydalash skriningi bilan tabiiy qumlarning aralashmasiga asoslangan[2].

Asfaltobeton fraksion agregatlarda odatiy farqlarga ega. Ular pastki jadvalda ko'rsatilgan. Bunday holda, materialning sovuq navlari faqat nozik taneli yoki qumli. Issiq aralashmalar qoldiq go'zeneklilik darajasiga qarab toifalarga bo'linadi. Ushbu ko'rsatkich qoplamali qoplamadagi go'zenekler sonining foizini ko'rsatadi. Bu quyidagi jadvalda ko'rsatilgan. Aralashmalar sovuq navlari 6 dan 10% gacha bo'lgan qoldiq g'ovaklikka ega. Shag'al yoki shag'alning massaviy tarkibi bo'yicha issiq aralashmalar quyidagi turlarga bo'linadi.

a turi - 50/60%;

b turi - 40/50%;

c turi - 30/40%;

Shag'al yoki molozdagi sovuq analoglar ushbu ko'rsatkich bo'yicha Bx va Bx turlariga bo'linadi. Amaldagi qum turiga ko'ra, issiq va sovuq asfaltobeton quyidagi toifalarga bo'linadi. G yoki Gx yozing. Ishlatilgan maydalash skriningi yoki uning tabiiy qum bilan aralashmasi (30 foizdan oshmasligi kerak). D yoki Dx kiriting. Skrining maydalash bilan tabiiy qum yoki uning aralashmasidan foydalaning (70 foizdan kam).

Amaldagi xomashyo, shuningdek fizik va mexanik fazilatlariga qarab, issiq yo'l aerodrom asfalt aralashmalari va asfaltobeton jadvalda ko'rsatilgan navlarga bo'linadi. Sovuq aralashmalar quyidagi toifalarga bo'linadi.

- Bx va Bx turlari - yoqilgan m-I markalari va M-II;

- Gh turi - M-I va M-II markalari uchun;

- Dx turi M-II markasiga ega bo'lishi mumkin

Asfaltobetonning asosiy xossalardan biri bu mexanik xususiyatlari bo'lib (siqilish, chuzilish, egilish, siljish, ishqalanish), materialning uzoq muddatga chidamligini, deformatsiyalanish xususiyatining xajmini inobatga olish kerak.

Asfaltobetonning suvga chidamliligi: uzoq vaqt davomida asfaltobeton qoplamalarning namlanishi-ularning bog'lanishini susaytiradi, mineral zarralarining uvalanib ketishiga, qoplamaning mustaxkamligini kamaytirishga va qoplamaning yemirilishiga olib keladi.

Sovuqqa chidamlilik: qish davrida asfaltobeton g'ovaklarida suv muzga aylanib, uning xajmi 8-9% ga kengayadi, natijasida bosim 20MPa ga oshadi. Kuz va baxor davrida asfaltobeton qoplamada tez-tez muzlash va erish natijasida asfaltobetonning yemirilishiga olib keladi. Tog jinslaridan granit, dolomit sovuqqa chidamli bo'lganligi uchun asfaltobeton qorishmasiga ishlatish maqsadga muvofiq[3].

**Ishqalanish mustaxkamligi.** Avtomobil xarakati natijasida asfaltobeton qoplamada ishqalanish kuchi ta'sirida yeyilish sodir bo'ladi. Yeyilish asosan to'ldiruvchi elementlarning ishqalanishi, ya'ni qum va chaqir toshlarning ko'chib ketishi bilan xarakterlanadi. Qoplamaning zichligi qancha yuqori bo'lsa, uning ishqalanish mustaxkamligi shuncha yuqori bo'ladi. Asfaltobeton qoplamalar yuzasining (g'adir-budir) notekisroq bo'lishi avtomobillar xarakatini yengillashtiradi, sirg'anishga yo'l qo'ymaydi, ularning tormozlanishi osonlashadi va xavfsizlik xolati oshadi, xamda ishqalanish koeffitsiyentiga bog'lik bo'ladi. Ishqalash (koeffitsiyentiga) 0,4 dan kam bo'lsa, xalokat sodir bo'lish xavfi oshadi, 0,4-0,5 dan yuqori bo'lsa, xavfsizlik xarakati ta'minlanadi. Ishqalanish koeffitsiyentini oshirish uchun Asfaltobeton bog'lovchi materiallarning yopishqoqligi xarorat darajasi va markasiga qarab 2ga bo'linadi.

Issiq

Sovuq.

G'ovaklikka qarab 3ga bo'linadi.

zich govak- qoldiq 2-7%

govak-qoldiq 7-12%

yuqori qoldiq govak 12-18%

Asfaltobeton qorishmalar chaqir toshli va qumli bo'lib, mineral materiallarning katta-kichikligiga qarab 3ga bo'linadi.

Katta zarralar o'lchami-40mmgacha

Mayda zarralar o'lchami-20mmgacha

Qumli zarralar o'lchami-5mmgacha .

Asfalt aralashmalari navlarga bo'linadi. Tovar unda ishlatilgan tosh materialining kuchiga bog'liq. Hammasi bo'lib 2 ta brend mavjud: Ikkinchisi. Ushbu tovar uchun 800-1000 moloz ishlatiladi. Birinchisi. Birinchi marka uchun 1000-1200 maydalangan tosh ishlatiladi. Quyidagi tasnif mineral tarkibiga tegishli. Amaldagi materialga qarab, aralashmalar quyidagilarga bo'linadi. Qumli. Shag'al. Aralashmani yotqizilgan haroratga qarab tasniflash ham mumkin. Harorat rejimiga qarab quyidagi 2 tur ajratiladi:

Sovuq, Bunday aralashmani yotqizishda uning harorati besh darajadan past bo'lmasligi kerak.

Issiq. O'rnatish paytida bunday aralashmaning harorati 120 darajadan past bo'lmasligi kerak.

Asfaltobeton ishlab chiqarishda asosan tabiiy tosh materiallarni maydalash yo'li bilan olinadigan (fraksiyasi 0 dan 5mm gacha) chaqirtoشلardan chiqqan chiqindilar mayda donadorli qumlar sifatida ishlatiladi. Jizzax politexnika instituti qoshidagi

“Qurilish mahsulotlarini sinash” akkreditatsiyalangan laboratoriyasida asfaltobeton tarkibini xisoblash jarayonida asosan mahalliy materiallardan keng foydalangan xolda tajribalar olib borish bilan yo'l qurilish ishlaridagi sarf harajatlarni kamaytirishga erishish yo'llarini yaratishga erishildi [4].

Asfaltobeton tarkibini hisoblashda ishlatiladigan materiallar xilma-xilligini, donadorlik tarkibini, maydalanish darajasi bo'yicha mustahkamlik markasini, sifatini va barcha fizik mexanik xossalarni tekshirilib, o'rganilgandan keyin GOST 12801-98 « материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства » me'yoriy hujjatida ko'rsatilgan talablar bo'yicha 1000kg miqdordagi issiq asfaltobeton uchun inert materiallar miqdori hisoblab chiqiladi.

Asfaltobeton qorishmaning tarkibini tanlash va uni qo'llash uchun qo'yidagilarga ahamiyat, berish kerak:

Xar bir qorishma o'z tarkibida qisman qanchadir % bog'lovchiga ega bo'lishi,

Mayda zarrali asfaltobetonlar tarkibida 25-30% gacha 1-5mm kattalikdagi zarrachalar bo'lish kerak, chunki issiq kunlarda asfaltobetonning siljishi ortadi.

Asfaltobeton qorishmaning siljish mustahkamligini oshirish uchun fakat chaqiq toshdan keng miqyosda foydalanmasdan, qiyin silliqanuvchi sun'iy qum-toshdan ham foydalanish mumkin. Asfaltobeton tarkibida ortiqcha miqdorda bog'lovchi bo'lganda, yotqizma yuzasida shurxakliklar paydo bo'ladi. Loyihalashga, ya'ni qorishma tarkibiga kiruvchi materiallarni qanchadan olish kerakligini xisoblash va asfaltobetonning sifatini belgilashga aloxida ahamiyat berish kerak. Bu buyicha asfaltobetonning tarkibi ko'yidagicha aniqlanadi.

Loyihalana yotgan asfaltobetonning to'ldiruvchilari faqat texnik shartlargina qanoatlantirmay, balki loyihalarda qo'yilgan shartlarni ham qanoatlantirishi kerak. Shuningdek standart kattaliklarga ega bo'lgan bir qancha materiallardan eng keragi tanlab olinadi. Bog'lovchilar yopishqoqlik xususiyatlariga qarab tanlanadi. Mineral qorishmalar va bog'lovchilarning miqdorlari aniklangach, barcha qurilish-texnik shartlarni to'la qondira oladigan qorishma olinadi[5].

Asfaltobeton qoplamalar qurishdagi ko'p yillik tajribalar shuni ko'rsatadiki, me'yorida tanlab olingan materiallardan issiq asfaltobeton qorishmasi tayyorlashning texnologik jarayoni to'g'ri olib borilsa, ya'ni, ishlab chiqarish texnologiyasi talab darajasida amalga oshirilsa uzoq muddatga chidamli, muntazam transport xarakati jadalligiga turib beradigan qoplama yuzaga keladi. Asfaltobeton tarkibini loyihalash texnik topshiriqiga asosan olib borilib, unda asfaltobeton turi, ishlatilish va qo'llanish sharoiti, mineral kukun va bog'lovchilarning xarakteristikalarini o'rganilib chiqiladi va olingan natijalarga ko'ra hozirda xarakatdagi GOST 12801-98 “ материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства ” me'yoriy hujjati talablari bo'yicha materiallar va mineral kukun sarfi ishlab chiqiladi. Ishlab chiqilgan tarkib bo'yicha sinash uchun namunalari tayyorlaniladi. Tayyorlangan namunalarning sinov natijalari GOST 9128-2013 “ смеси асфальтобетонные, полимерасфальтобетонные, асфальтобетон, полимерасфальтобетон для автомобильных дорог и аэродромов ” me'yoriy hujjat talablari bo'yicha asfaltobeton tayyorlovchi sexga 1000kg issiq asfaltobeton qorishma tayyorlashga tarkib loyihalaniyadi[6].

Olingan natijalar shuni ko'rsatdiki, asfaltobeton tarkibi to'g'ri tanlanganligi, to'ldiruvchi materiallar me'yorida tanlab olinganligi va qoplama yotqizishda texnologik talablar to'g'ri olib borilganligi natijasida Jizzax shaxrining ichki yo'llaridagi qoplamalar sifati, uzoq muddatga chidamliligi bilan ajralib turadi.

#### ADABIYOTLAR

1. Бабков В.Ф. «Реконструкция автомобильных дорог» Москва. Транспорт.1978.
2. Гезенвей Л.Б. «Дорожный асфальтобетон» Москва «Транспорт» 1976.
3. Гост 9128-2009 «Смеси асфальтобетонные дорожные, аэродромные и асфальтобетон» (МТНКС) Москва.
4. Гост 16557-2005 «Порошок минеральный для асфальтобетонных и органо-минеральных смесей» (МТНКС) Москва.
5. Гост 12801-98 «Материалы на основе органических вяжущих для дорожного и аэродромного строительства» (МТНКС) Москва.
6. Бабков В.Ф. «Дорожные условия и безопасность движения» Москва. Транспорт. 1993.1. [www.doroga.ru](http://www.doroga.ru)
7. [www.road.ru](http://www.road.ru)
8. [www.madi.ru](http://www.madi.ru)
9. <http://www.stroy.ru>



UDK 550.3

*Gulzoda SHAMSIDINOVA,*  
*Toshkent Davlat Texnika universiteti magistranti*  
*Jasur DONONOV,*  
*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti assistenti*  
*dotsent, V.R. Yusupov taqrizi asosida*

#### GEOPHYSICAL METHOD OF STUDY OF TOXUMBET FIELD TECHNICAL CONDITION OF WELLS

Abstract

The article presents the results of geophysical methods carried out at the Toxumbet uranium deposit. Based on the results, lithological columns were drilled in the borehole. The results obtained using KS, PS, GK, cavernometry, inclinometry methods performed in each borehole were analyzed and compared with the geological structure.

**Key words:** Electrical probing, geophysical anomalies, lithological cross-section, inclinometry, cavernometry.

#### ГЕОФИЗИЧЕСКИЙ МЕТОД ИССЛЕДОВАНИЯ ТЕХНИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ СКВАЖИН ТОХУМБЕТСКОГО МЕСТОРОЖДЕНИЯ

Аннотация

В статье представлены результаты геофизических методов, выполненных на урановом месторождении Тохумбет. По результатам в скважине были забурены литологические колонки. Результаты, полученные методами КС, ПС, ГК, кавернометрии, инклинометрии, выполненными в каждой скважине, были проанализированы и сопоставлены с геологическим строением.

**Ключевые слова:** Электрическое зондирование, геофизические аномалии, литологический разрез, инклинометрия, кавернометрия.

#### TOXUMBET MAYDONI QUDUQLARNING TEXNIK HOLATINI GEOFIZIK USULLAR YORDAMIDA O'RGANISH

Аннотасија

Maqolada Toxumbet uran konida olib borilgan geofizik usullar natijalari keltirilgan. Olingan natijalar asosida burg'u qudug'i bo'yicha litologik kalonkalar tuzilgan. Har bir burg'u qudug'ida olib borilgan KS, PS, GK, kavernometriya, inklinometriya usullari yordamida olingan natijalar tahlil qilingan va geologik tuzilishi bilan solishtirilgan.

**Kalit so'zlar:** Elektr zondlash, geofizik anomaliya, litologik kesma, inklinometriya, kavernometriya.

**Kirish.** Hozirgi kunda mamlakatimizda foydali qazilma konlarini qidirish va razvedka qilishga katta etibor qaratilmoqda. O'zbekiston mineral-xomashyosi tarkibida uran xomashyosi muhim o'rinni egallaydi. Uran zahiralari va yillik ishlab chiqarish hajmi bo'yicha respublika dunyoning birinchi o'nta davlati qatoriga kiradi. Uran iste'molchisi bo'lmagan O'zbekiston uran xomashyosini ishlab chiqarish va sotish bo'yicha jahon bozorida, ayniqsa, so'nggi yillarda ancha mustahkam o'rinni egallab kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasining mineral-xomashyo bazasini tashkil etuvchi uranning asosiy aniqlangan zahiralari va istiqbolli resurslari dunyodagi eng yirik viloyatlardan biri bo'lgan Markaziy Qizilqum uran rudasi provinsiyasida jamlangan.

Viloyatning aniqlangan uran konlari ikkita sanoat turiga mansub: klassifikatsiyasi bo'yicha "Uchquduq" yoki "qumtosh" bo'lib, ulardan 10 tasi NKMK tomonidan yuqori rentabelli yer osti yuvish usulidan foydalangan holda muvaffaqiyatli o'zlashtirildi. Kembriy-gacha-paleozoy karbonli-kremniyli slanetslar bilan chegaralangan "qora slanets" tipidagi konlar (4ta kon) O'zbekiston Respublikasi mineral-xomashyo bazasining zaxira fondini tashkil qiladi. Yuqorida aytib o'tilgan "qumtosh" tipidagi konlarda uran xomashyo bazasini kengaytirish istiqbollari yonbag'irlarida qidiruv ishlari bilan bog'liq. Ochilgan konlarni, shuningdek, ajratilgan istiqbolli maydonlarda uranni qidirish hozirgi vaqtda qidiruv geofizikasi usullarining turli modifikatsiyalari fundamental va amaliy geofizika fanining keng doiradagi muammolarini hal qilishda keng qo'llanilmoqda. Xususan, quduqlar uchun vodorodli uran konlari tog' jinslari va rudalarining filtrlash xususiyatlarini o'rganish uchun KS-PS elektr zondlash usullari ma'lumotlari, radioaktiv gamma karotaj va kavernometriya inklinometriya usullari yordamida amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasi hududida ushbu yo'nalishdagi tadqiqotlarni GIDROINGEO instituti, O'zbekiston Respublikasi Davlat geologiya qo'mitasining "Urangeoologiya" ekspeditsiyasi jamoalari olib bormoqda.

Tadqiqot maqsadi quduqlar bo'ylab litologik uchastkalarini qurishning geofizik asoslarini o'rganish, vodorodli uran konlari tog' jinslari va rudalarining filtratsion xususiyatlarini o'rganishdan iborat.



Rasm-1. Toxumbet uran konining sxematik xaritasi


**Tadqiqot ob'ekti.** Toxumbet, Beshkak, Bukinay hududi, geologik va geofizik usullarning sharoitlarini o'rganishdir.

Maqsadga muvofiq quyidagi vazifalar hal qilindi:

- PS usulini olib borish va olingan natijalarni tahlil qilish;
- KS usulini olib borish va olingan natijalarni tahlil qilish;
- chuqurlik bo'yicha geofizik anomalialarning o'zgarishini o'rganish;


Alevritli gillarning qum miqdori ortishi bilan PS anomalialarining "gil chizig'i" ga nisbatan intensivligi oshadi va gamma faolligi pasayadi. Gips aralashmalarining mavjudligi har doim KS ning oshishiga olib keladi.

**Tadqiqot usullari.** Quduqlar uchun litologik kesmalarni qurish, vodorodli uran konlari tog' jinslari va rudalarining filtrlash xususiyatlarini o'rganish uchun asos bo'lib, KS-PS elektr zondlash usullari, radioaktiv, kavernometriya usullari majmuasining bir qismidir. Shu bilan birga, tabiatdagi jinslar, ularning xususiyatlariga ikkala geologik omillar ta'sir qilganda o'rganiladi [1-4].




Rasm-2. Toxumbet koni hududining geologik xaritasi

Olingan natijalar tahlili. (Analysis and results). Tog' jinslarining fizik xossalari geologik omillarning ta'siri "Quruq" o'tkazuvchan jinslarda (qum, bo'sh qumtosh) KS sezilarli darajada oshadi va gamma faolligi 15-20% ga oshadi. Shunday qilib, Toxumbet konida "quruq" qumlar va bo'sh qumtoshlarning "ho'l" ga nisbatan PS 3-5 baravar (8-12 Om dan 40-60 Om va undan ko'p) gamma faolligi oshadi. 8-10 mkR/soat dan 10-12 mkR/soat gacha. Ushbu xususiyat asosida bosimli suvlarning statik darajasi xaritada tushirildi va Konyaksanton gorizontining suv kesimining sxematik xaritasi tuzildi.




Rasm-3. Toxumbet burg'u qudug'ida olib borilgan tadqiqot usullari

Qatlam suvlarining sho'rlanishining o'tkazuvchan va past o'tkazuvchan jinslarning pk qiymatiga ta'siri 4-rasmda ko'rsatilgan. Grafikda mayda zarrali qumlarning pk 30-21 Omm dan mineralashuvi 1 g/l gacha (Sirdaryo viloyati) pk=15-6 Omm gacha, mineralashuvi 7,0 g/l gacha (Qizilqum viloyati) izchil ortib boradi. Sanoat eritmalarning mineralashuvi yuqori (15-20 g/l) bo'lgan hududlarida pk o'tkazuvchan jinslarda 1,0-2,0 omm gacha kamayadi [5-7].



Rasm-4. Qatlam suvlarining sho'rlanishining o'tkazuvchan va past o'tkazuvchan jinslarning pk qiymatiga ta'siri

Qatlam suvining sho'rlanishini bilish uchastkaning fizik parametrlarini (pk/ ΔUps) pragnoz qilish va tushunirishga yordam beradi. Asarchiq konida Maastrixt, Kampanian va Santonning rudali qumlarining pk darajasi paydo bo'lish chuqurligiga qarab 50-100 m chuqurlikda 45-50 Om dan 600 m chuqurlikda 5-7 Om gacha o'zgarib turadi (4-rasm). 50-250 m chuqurlik oralig'ida pk chiziqli ravishda 45 omdan 12 omgacha o'zgaradi. Xuddi shu oralig'ida qatlam suvlarining sho'rligi 50-100 m chuqurlikda 0,3-0,5 g/l dan 250 m chuqurlikda 3,5-4 g/l gacha o'zgarib turadi. 250-600 m chuqurlik oralig'ida pk deyarli doimiy (12-10 Omm). Ehtimol, qatlam suvlarining sho'rligi bu erda ham o'zgaraydi va faqat 600 m dan ortiq chuqurlikda pk 5-7 omgacha o'zgaradi [8].




Rasm-5. Chuqurlik bo'yicha pk o'zgarishi




Tog' jinslarining karbonatlanishi jinslarning qarshiligini oshiradi. Zarechnoy konida qumlarining pk o'zgarishi aniq ko'rinadi 30 Om dan CO<sub>2</sub> tarkibida 1% gacha bo'lgan 120 Om gacha bo'lgan qattiq karbonatli qumtoshlar uchun CO<sub>2</sub> - 30% gacha miqdori ortib boradi.

Qumdagi no'xat shaklidagi karbonat tugunlari KS va PS anomaliyalarining intensivligiga sezilarli ta'sir ko'rsatmaydi va bir tekis tarqalgan karbonat tarkibi (3-4% gacha CO<sub>2</sub>) PS anomaliyasining intensivligini 10-15% ga kamaytiradi, pk 5-10% ga oshadi (rasm-5).



Rasm-6. Toxumbet konida KS va PS tadqiqot usullari

Toxumbet konida CO<sub>2</sub> ning rudali gorizontning PS ga ta'siri aniqlangan. Gorizontdagi o'rtacha karbonat miqdori 1 dan 6% gacha o'zgarishi bilan gorizontning pk 8 dan 20 Omgacha oshadi (6-rasm).



pk miqdorining CO<sub>2</sub> bilan bog'lanish grafiki

Har xil aralashmalar (gil va alevrolitdagi qum, barcha jinslardagi gips) jinslarning qarshiligini oshiradi. Alevrolitli gillarning qum miqdori ortishi bilan PS anomaliyalarining "gil chizigi" ga nisbatan intensivligi oshadi va gamma foalligi pasayadi. Gips aralashmalarining mavjudligi har doim pk ning oshishiga olib keladi.

**Xulosa va takliflar.** Toxumbet maydoni hududida burg'ulangan burg'u qudug'ida olib borilgan geofizik tadqiqot ishlari kompleks tahlil qilindi. Burg'u qudug'ida olib borilgan KS va PS anomaliyalari tog' jinslarining litologik geologik holati bilan taqqoslandi. Tog' jinslarining solishtirma elektr qarshiligi CO<sub>2</sub> bilan bog'lanish grafiki tahlil qilindi. Ularning bir-biriga nisbatan teskari proporsionallik ravishda o'zgarib borishi aniqlandi. Ushbu olingan natijalar geologiya-geofizika yo'nalishida talim olayotgan talabalar uchun foydali hisoblanadi.

#### ADABIYOTLAR

1. Васюта А.Е. Методика определения средних содержаний, скандия и иттрия по данным каротажа. Разведка и охрана недр. 9. 1991г. Москва, "Недра", с 35.
2. Инструкция об общих требованиях к содержанию и оформлению отчетов о результатах работ по изучению недр. Ташкент. 1998. с 89.
3. Комаров С.Г. Геофизические методы исследования нефтяных скважин. Москва, 1952.360 с.
4. Маслов В.Н., Мазаненко А.Г. О разделении пород по фильтрационной неоднородности на одном из гидрогенных месторождений. Методы рудной геофизики, Ленинград, 1989 .с 13.
5. Методические рекомендации по измерению методами каротажа технологических свойств горных пород и руд. Ленинград, 1980.60 с.
6. Справочник гидрогеолога. Москва, 1962. 116-135с.
7. Пеньков Н.А. Интерпретация результатов каротажа скважин. Москва, 1963.
8. Техническая инструкция по проведению геофизических исследований в скважинах. Москва, "Недра",1985.
9. Торопов И.В. Применение стандартного электрокаротажа (КС+ПС) для выделения зон закисления осадочных пород при проведении опыта по подземному выщелачиванию (ПВ) на инфильтрационном месторождении урана. Методы рудной геофизики, Ленинград, 1987.с 48.
10. Торопов И.В., Маслов В.Н., Салов А.П. Использование стандартного электрокаротажа (КС+ПС) для изучения литологии и фильтрационных свойств проницаемых осадочных пород и руд продуктивного горизонта на инфильтрационном месторождении урана. Методы рудной геофизики, Ленинград, 1987.с 55.



УДК 553.411(575.1)

Тўлқин ЯРБОБОЕВ,

Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институти доценти

E-mail: [tulkin-69@mail.ru](mailto:tulkin-69@mail.ru).

Шухрат СУЛТОНОВ,

Қарши муҳандислик-иқтисодийёт институти мустақил тадқиқотчиси

E-mail: [sultonovshuxrat87@gmail.com](mailto:sultonovshuxrat87@gmail.com).

#### PECULIARITIES OF ORE-BEARING INTRAPLATE MAGMATISM OF THE YAKHTONA DYKE FORMATIONS

Abstract

The article is devoted to the intraplate magmatism of the Chakylkala Mountains and its potential ore content. The ore-bearing capacity of the region is considered on the example of spatial coincidence in the contour of the Yakhtona dike formations of alkaline basaltoids and lamprophyres with apogranitoid gold and rare-metal mineralization. A comparison of signs of potential ore-bearing rocks and spatially combined with them gold-tungsten mineralization was carried out.

**Key words:** Chakylkalyan mountains, Yakhton, gold, tungsten, mineralisation, mineralisation, magmatism, basaltoids, lamprophyres, ore bearing capacity.

#### ОСОБЕННОСТИ РУДОНОСНОСТИ ВНУТРИПЛИТНОГО МАГМАТИЗМА ЯХТОНСКОЙ ДАЙКОВЫХ ОБРАЗОВАНИЙ

Аннотация

Статья посвящена внутриплитному магматизму Чакылкалянских гор и его потенциальной рудоносности. Рудоносность региона рассмотрена на примере пространственного совмещения в контуре Яхтонской дайковых образований формации щелочных базальтоидов и лампрофиров с апогранитоидным золотым и редкометалльным оруденением. Проведено сопоставление признаков потенциальной рудоносности пород и пространственно совмещенного с ними золото-вольфрамового оруденения.

**Ключевые слова:** Чакылкалянские горы, Яхтон, золото, вольфрам, минерализация, оруденение, магматизм, базальтоиды, лампрофиры, рудоносность.

#### ЯХТОН ДАЙКАЛИ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ПЛИТАИЧИ МАГМАТИЗМИНИ МАЪДАНЛИЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Мақола Чакилкалян тоғларининг плитаичи магматизми ва унинг потенциал маъданлилийига бағишланган. Минтақанинڭ маъданлилийи Яхтон дайкали ҳосилалари контурида фазовий жойлашган апокарбонат олтин ва ноёб метал маъданли ишқорий базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси мисолида кўриб чиқилган. Жинсларининг потенциал маъданлилийи белгилари ва улар билан фазовий жойлашган олтин-вольфрам маъданлашувини таққослаш амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** Чакилкалян тоғлари, Яхтон, олтин, вольфрам, минерализация, маъданлашув, магматизм, базальтоидлар, лампрофирлар, маъданлилик.

**Кириш.** Бурмали областларнинг плитаичи магматизми маҳсулотларига ишқорли ва кам ишқорли габброидлар (базальтоидлар) ва карбонатларнинг турли хил портлаш трубкалари ва дайкаларининг ҳамда сиенитоидлар ва литий-фторли гранитларни майда интрузияларининг кўп сонли ҳосилалари киради. Плитаичи магматизмининг маҳсулотлари, катта бўлмаган ҳажмларига қарамадан, кенг тарқалган ва аҳамиятли майдонларни эгаллаган; вақт бўйича улар олдинги коллизия ва субдукция гранитоидлардан кескин ажралган.

Плитаичи магматик ассоциацияларни ўрганиш фундаментал тадқиқотнинг долзарб вазифаси ҳисобланадиган, бурмали областларнинг геологик ривожланишининг анороген босқичида нафақат магманинڭ генерацияланиш жараёнларини билиш нуқтаи назаридан қизиқишларни ўзида намоеن қилади, балки плитаичи магматизми маҳсулотлари орасида нодир, ноёб ва нодир ер металлларнинг маъданли ҳосилаларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга.

Плитаичи магматизмининг ҳосилалари билан йирик ва ноёб олмос, апатит, темир, платина, титан, ванадий, қалай, ниобий, тантал, циркон, стронций, нодир ер элементлари, мис-никель ва Au, Ag, Se билан биргаликдаги полиметал маъдан конлари; беш элементли (Fe-Cu-Au-REE-U) формациянинг йирик конлари, мис-олтин маъдан конлари ва олтин маъдан, шунингдек қизилденгиз туридаги сульфидли маъданлашув ва карлин типидagi гидротермал олтин маъданлашув конлари боғлиқ.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Плитаичи магматизми – ўзига хос геологик ходиса, у турли бурмали областларда тадқиқотчилар томонидан турлича номланган – “постгеосинклинал магматизм”, “постбатолит магматизм”, “постороген магматизм”, “постколлизия магматизм”, “эпиороген магматизм”, “эпиформат магматизми”, “субсеквет магматизм”, “антидром тектономагматик фаоллашув”, “майда порфирли интрузиялар ва регионал дайкалар босқичи” [1].

Плитаичи магматизмини тушунтириш учун қайноқ нуқталар гипотезаси таклиф қилинган – мантия оқими (плюмлар). Плюмларнинг юзага келиши фазали тўсиқлардаги ва асосан ядро/мантия чегарасидаги термохимийвий

жараёнлар билан боғлиқ, улар кириб келадиган конвекцион оқимларнинг ҳам доимий, ҳам даврий юзага келиши кўринишида намоён бўлади [2, 3, 4].

Плитаичи магматизмини юзага келиш шароитлари ва мазкур жараён билан боғлиқ фойдалиқазилмаларнинг хусусиятлари ҳамда истиқболлари И.Х. Хамрабаев, И.В. Мушкин, Т.Н. Далимов, В.М. Брейвинский, А.В.Головко, В.И. Лебедева, В.В. Ярмолюк, Д.В. Коваленко, Д.С. Коржинский, М.И. Кузьмина, Р. Ахунджанов, F. Pirajno, Orpinger, Murphy, Brimhall, E.M. Cameron ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Сукар массивининг мончикитлари илк бор М.М.Посохов ва Е.И.Сигаловлар (1949 г.) томонидан тавсифланган. Кейинчалик тематик ишларни ўтказиш жараёнида [5, 6] плитаичи магматизмининг жинслари ишқорли (субишқорли) базальтоидлар ва кайнотип лампрофирларнинг асосан дайкалар кўринишидаги Чакилкалян тоғларининг турли қисмларида аниқланди. Аммо, ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг катта концентрацияси иккита майдонда аниқланди: Яхтон (шимолий-ғарбий сектор) ва Сукар (жанубий-шарқий сектор).

**Тадқиқот методологияси.** Барқарор минерал-хомашё базасини ривожлантириш учун минтақани геологик ўрганишни тизимлаштиришга олиб келадиган, геологик-кидирув ишларининг босқичларига риоя қилиш лозим. Бу истиқболли майдонларни ажратиш учун излов ишларини режалаштиришни ва йўналишларини таъминлайди. Чакилкалян тоғлари худудида истиқболли зоналар ва майдонлар олтин маъданлашувининг излаш шарт-шароитлари ва башоратлаш белгилари билан асосланиши мумкин. Олтин маъданлашувини аниқлаш имкониятини кўрсатадиган шарт-шароитлар сифатида магматоген, тектоник, петрографик, геоморфологик ва геофизик белгилар қабул қилинади. Олтин маъданлашувининг бевосита белгилари олтин, унинг минераллари ва йўлдош элементларининг минералогик ва геохимёвий аномалиялари ҳисобланади.

Маъдан маҳаллийлашиши ва маъданга қадар метасоматоз муҳитининг хусусиятларини, маъданларнинг моддий таркиби ва уларнинг геохимёвий хусусиятларини, магматизм ва яқин эндоген маъданли формациялар билан алоқасини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказилади. Бунда олтин маъданлашувининг тузилма-геологик, геохимёвий ва минералогик мезонларни ўз ичига олган излаш-башоратлаш комплекси ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Олтин маъданлашувининг тузилма-геоимёвий усуллари маъданлашув маҳаллийлашишининг тузилмали сатҳлари ва уларнинг эндоген ореоллари ҳақидаги билимларни бирлаштиришга асосланган. Бунга турли тузилма-геологик сатҳлардаги маъданли ҳосилаларнинг зоналигини комплекс ўрганиш асосида эришилади: маъдан майдони – кон – маъданли зона – маъдан танаси – маъдан устуни ва микёс бўйича энг кичик. Бундан ташқари, “маъданли зона (ёки маъдан танаси) – маъдан атрофидаги метасоматитлар” чегарасида кимёвий элементларнинг фазовий дифференциациясини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади.

**Таҳлил ва натижалар.** Бурмали областларнинг плитаичи магматик жинсларини қиёсий таҳлили уларнинг табиати ва ҳосил бўлиш жараёнларини ҳамда улар билан боғлиқ маъданлашувни чуқурроқ тушиниш имконини беради. Ушбу муаммони ҳар томонлама кўриб чиқиш фундаментал тадқиқотларнинг жуда долзарб вазифаси ҳисобланади ва плитаичи магматизми маҳсулотлари орасида нодир, камёб ва ноёб ер металлларининг маъданли ҳосилалари ривожланиши билан боғлиқ ҳолда амалий аҳамиятга эга.

Аниқ белгиланган геологик позицияларга эга ва кўпинча маъданли ҳосилалар билан тизимли равишда бирлашган ишқор-базальтоидли дайкалар ва портлаш трубкалари минтақанинг турли хил маъданлашувининг генезиси ва хронологик кетма-кетлигининг кўплаб муаммоларини аниқлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин.

Чакилкалян тоғлари учун плитаичи магматизмининг кўплаб саволлари, шу жумладан, олтин ва нодир метал маъданлашувни башоратлаш учун муҳим бўлган, ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг геохимёвий ва металлогеник ихтисослашуви каби масалалар тўғрисида ечилмаган.

Ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг батафсил тавсифи (петрографик, петрохимёвий, минерал-аксессуар ва геохимёвий) ва плитаичи магматизмининг потенциал маъданлилиги бўйича ундан келиб чиқадиган ҳулосалар мазкур тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Яхтон майдони чегарасида ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинслари керсантитлар, спессартитлар, вогезитлар ва улар билан парагенетик боғланган диорит порфиритлар ҳамда энг сунги камптонитлар ва мончикитлар билан намоён бўлган. Дайкалар учун амалда барча турдаги жинсларда кларклардан юқори миқдорга эга бўлган бир қатор элементларнинг (Au, Ag, W, Mo, Se, Te, Bi, As, Sb, Re, Hf) мавжудлиги характерли [7].

Яхтон майдони ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинслари учун алоҳида элементларнинг кларклар-концентрациясини ўзгариш диапазоли куйидагича: Te – 56-110; Se – 2,8-82,2; Au – 6,8-28,8; Bi – 4,6-24,4; As – 9,07-10,7; Ag – 4,7-10,0; Sb – 3,6-10,0; Re – 1,5-10,5; Hf – 3,3-6,0; W – 1,8-3,6; Mo – 1,2-3,7. Ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формациясининг маъдан генерацияловчи магматик ҳосилаларида асосий элементларнинг тўпланиш жадаллигини геохимёвий қатори (Te-Se-Au-Bi-As-Ag-Sb-Re-Hf-W-Mo) уларнинг олтин маъданлашувида устун бўлган геохимёвий ихтисослашувга ва кам даражада ноёб металл маъданлашувига эга эканлигини яққол ифодалайди.

Олтиннинг максимал миқдори спессартитларда (115 мг/т) аниқланган. Бу қаторда унинг миқдори куйидагича камайиб боради: диорит порфиритлар (87 мг/т) – вогезитлар (32 мг/т) – камптонитлар (29 мг/т) – керсантитлар (27 мг/т).

Чакилкалян-Қоратепа тоғ-кончилик районининг шарқий қисми ишқорли базальтоидлар-лампрофирлар формацияси жинслари учун аксессуар таҳлилга жалб қилинган спессартитлар, мончикитлар, вогезитлар ва камптонитларда шеелитнинг очиқ тўпланишини ва мантия магматизмининг сунги ҳосилаларида (мончикитлар ва камптонитларда) табиий олтиннинг юзага келишини таъкидлаш лозим, бу мазкур ҳосилаларнинг олтин ва вольфрамга потенциал маъданлилигидан далолат беради [8, 9, 10].

Яхтон майдони чегарасида ишқорли базальтоидлар-лампрофирлар формацияси жинслари билан яхтон комплекси асосий интрузив фазасининг порфирсимон мезократ биотит-амфиболларида ва лейкократ амфибол-биотит гранодиоритларида маҳаллийлашган Яхтон кони куйи ярусининг олтин ва вольфрам маъданлашуви фазовий бирлашган.

Яхтон кони куйи ярусининг маъданлашуви вольфрам маъданли ва олтин маъданли таналарнинг фазовий ажралиб туриши билан ҳамда маъданли зонанинг алоҳида қисмларида ҳар хил турдаги маъданлашувнинг телескоплаш элементлари билан биметал характерга эга.

Олтиннинг юқори миқдори унинг пирит-арсенопиритли, тетрадимит-теллуrowисмутитли, олтин-гесситли ва олтин-кумушли парагенетик минерал ассоциациялари боғлиқлигини кўрсатадиган, As, Ag, Te, Se ва Bi ларнинг юқори миқдори билан бирга боради.

Яхтон кони қўйи ярусининг маъдан таналари ва минераллашган зоналари W ва Au ҳамда Bi, Te, As, Ag, Se, Mo, Cu, Sb, Zn, Pb кирадиган геокимёвий ассоциация кони учун типоморф элементларнинг эндоген тўплamlари билан бирга боради.

Чуқурликда жойлашган манбалардан олтин ва вольфрамнинг биргаликда карбонил миграцияланишида, эҳтимол, Яхтон кони қўйи яруси маъданларида табиий олтин ва шеелитнинг парагенезиси сабаблари ётади.

Чакилкалян тоғлари геодинамик эволюциясининг плитаичи босқичи юқори мантияни камраб олган, магма генерацияланишининг чуқур сатҳига эга иккита асосий ўчоқли тузилмаларнинг (Яхтон ва Сукар) ҳосил бўлиши билан характерланади. Чуқур ётган ўчоқли тузилмалар учун бундай тузилмаларнинг шаклланиш босқичида ҳосил бўлган постколлизиян гранитоидлар ва индикатор элементлар (Bi, Ag, As, Se, Te и Sb) билан олтин маъданлашувига ҳамда йўлдош Re ва Hf билан ноёб метал маъданлашувига (W, Mo) геокимёвий ихтисослашуви билан тавсифланадиган, ишқор-базальтоидли магматизмнинг энг сунги маҳсулотларининг фазовий жойлашуви характерли. Мазкур геокимёвий ихтисослашув аҳамиятли даражада минтақанинг олтин-ноёб метал металлогеник профилини белгилайди.

Яхтон майдони ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг потенциал маъданлийлиги белгилари ва улар билан фазовий жойлашган олтин-вольфрам маъданлашувини таққослаш (1-жадвалга қаранг) ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг айрим геокимёвий хусусиятлари маъдан билан меросланганлигини яна бир бор таъкидлайди. Бу жинслар геокимёвий ихтисослашган элементлардан кўпчилиги (Au, Ag, As, W, Bi, Te, Se, Sb) жинс ҳосил қилувчи ҳисобланади ва апогранитоид олтин-вольфрам маъданлашувининг типоморф маҳсулдор ассоциацияси таркибига киради.

Яхтон майдони ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг потенциал маъданлийлиги белгилари ва улар билан фазовий жойлашган олтин-вольфрам маъданлашувини таққослаш

1 – жадвал.

Ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинсларининг потенциал маъданлийлиги белгилари	Яхтон кони қўйи ярусининг олтин-вольфрам маъданлашувини типоморф характеристикалари
Геокимёвий ихтисослашув	
<p>Яхтон майдони чегарасида ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формацияси жинслари амалда дайқали ҳосилаларнинг барча турларида кларклардан юқори миқдорга эга бўлган бир қатор элементларнинг (Au, Ag, W, Mo, Se, Te, Bi, As, Sb, Re, Hf) мавжудлиги билан тавсифланади.</p> <p>Ишқорли базальтоидлар ва лампрофирлар формациясининг маъдан генерацияловчи магматик ҳосилаларида асосий элементларнинг тўпланиш жадаллигини геокимёвий қатори (Te-Se-Au-Bi-As-Ag-Sb-Re-Hf-W-Mo) уларнинг олтин ва ноёб металл маъданлашувига устун бўлган геокимёвий ихтисослашувга эга эканлигини старли даражада яққол ифодалади.</p>	<p>Яхтон кони қўйи ярусининг олтин-вольфрам маъданлашуви учун типоморф Au, W, Bi, Te, As, Ag, Se, Mo, Cu, Sb геокимёвий ассоциация ҳисобланади.</p> <p>Маъданларнинг сульфидли қисмини асосий минераллари пирит ва пирротин саналади.</p> <p>Аралаш-элементларнинг миқдори (г/т): пиритда – Au – 22,9; Ag - 51; , As – &gt;4000; Te – 47; Se – 42; ва Bi - 1600; пирротинда – 3,5; Ag – 3,5; As – 85; Te – 7,3; Se – 17; ва Bi – 400.</p>
Минерал-аксессуар ихтисослашув	
<p>Олтинга потенциал маъданлийлик формациянинг турли жинсларида аниқланган табиий олтин доналари ва кипикларнинг метасоматик ўзгариш жараёнлари билан тегилмаган, ўзгармаган турларида тўпланиши билан тасдиқланади.</p> <p>Кўшимча равишда табиий олтин карбонатлашган перидотитлар билан намоён бўлган ксенолитларда ҳамда брекчияланган ва ультрабазитларнинг ксенолитлари таркибли пироксен-порфирли трахибазальтларда аниқланган. Табиий олтин шеелит, молибденит, киноварь, магнетит, галенит, сфалерит, пирит, флюорит, халькопирит ва графит билан ассоциацияланади.</p> <p>Ишқорли базальтоидлар – лампрофирлар формацияси жинсларининг вольфрамга ихтисослашуви уларда ҳамда карбонатлашган перидотитларда (ксенолитлардан) аксессуар шеелитнинг мавжудлиги билан тасдиқланади.</p>	<p>Маъданлашувининг асосий парагенетик минерал ассоциацияси</p> <p>Вольфрам учун – альбит-шеелитли.</p> <p>Олтин учун – тетрадимит-теллуrowисмутитли, олтин - кумушли, олтин-гесситли ва пирит-арсенопиритли.</p> <p>Олтиннинг минерал шакллари – табиий олтин ва табиий кумуш, пирит, пирротин, хира маъдан, арсенопирит билан ассоциациядаги олтин теллуридарлари.</p>
Метасоматознинг хусусиятлари	
<p>Ксенолитларда гипербазитлар юқори даражада карбонатлашган лиственилар билан намоён бўлган ва магматик камеранинг чуқурроқ қисмида магматик эритманинг карбонат ангидритли юқори калийли мантия флюидлари билан ишлов берилиши туфайли юзага келган метасоматик тури сифатида тавсифланади. Калийнинг юқори концентрациясидан ташқари флюид газ ва сувга аҳамиятли тўйинган бўлган.</p>	<p>Маъдан атрофи соҳасига Ca, Si, Mg, Fe келтирадиган интеграл кремнейишқорли метасоматоз.</p> <p>Алюмосиликат субстрат бўйлаб ҳосил бўлган метасоматитлар учун бир нечта модификацияларга эга бўлган, кальцитнинг амалда доимий иштироки характерли.</p> <p>Метасоматитларда ювенил углероднинг келишини қайд қиладиган, жигаранг-қора симоласимон модданинг (антраксолит туридаги)</p>

	юпқа томирчаларини мавжудлиги.
--	--------------------------------

Баён этилганларнинг барчаси ишқор-базальтоид дайкалар ва портлаш трубчалари ва улар билан вақт ва маконда бирлашган олтин-вольфрамли минераллашув комплекси ўзаро парагенетик боғлиқликка эга. Ишқорли базальтоидлар-лампрофирлар формацияси жинсларининг ҳосил бўлиши ва сунги маъдангенез чуқурликдаги жараёнларнинг оқибати саналади ва ўзининг шаклланишида ер қобиғининг юқори горизонтларига кириб келиш йўллари сифатида битта ер ёриқлари системасидан фойдаланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Келтирилган геокимёвий материаллар Чакилкалян-Қоратепа тоғ-кончилик райони шарқий қисмининг алоҳида майдонларида минераллашган зоналарни олтин ва вольфрам билан бойиши, мантия эритмасининг унга ишқорлар, учувчан компонентлар ва маъдан элементлар билан тўйинган флюидларнинг чуқурлик интрателлур оқимининг таъсири туфайли юзага келган дастлабки металлогенетик ихтисослашувга боғлиқ деб тахмин қилишга имкон беради. Бу билан аҳамиятли даражада минтақанинг олтин-ноёб метал металлогенетик ихтисослашуви боғлиқ бўлган.

Постколлизон гранитоидлар таналари учун тор таъминот каналларининг мавжудлиги ва гранитоид магманинг асосий қисмини ташқи камераларда маҳаллийлашуви характерли. Гранитоидлар петрокимёвий нуктаи назардан асосий фазалар жинсларининг юқори глиноземлиги, уларнинг ўртача ишқорли қаторга, темирнинг паст оксидланиш даражаси ва аномал паст магнезиаллийлиги билан калий-натрийли серияга мансублиги билан тавсифланади.

Постколлизон гранитоидларнинг геокимёвий ихтисослашуви қолдиқ нордон эритмаларда металнинг тўпланиши билан аниқ ифодаланган олтин маъданли хусусиятга эга. Олтинга қўшимча жинслар геокимёвий жиҳатдан йўлдош элементлар комплексига (Яхтон тузилмаси учун Bi, Te, W, As, Ag, In; Сукар тузилмаси учун – Cs, Li, Rb, Pb и Ag) ихтисослашган.

Чакилкалян-Қоратепа тоғ-кончилик райони шарқий қисми плитачи босқичининг ишқорли базальтоидлар-лампрофирлар формацияси жинсларини комплекс ихтисослашуви унинг ҳудудидида олтин ва комплекс олтин-ноёб метал маъданлашувини башоратлаш имконини беради.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Мамарозиков У.Д. Состояние изученности проблемы рудоносности внутриплитного магматизма Среднего Тянь-Шаня // Геология и минеральные ресурсы – 2017. - № 1. С. 19-28.
2. Courtillot V., Olson P. Mantle Plumes Link Magnetic Superchrons to Phanerozoic Mass Depletion Events // EPSL. 2007. Vol. 260. № 3/4. P. 495-504.
3. Ernst R.E. Large igneous provinces. London: Elsevier, 2014. 653 p.
4. Morgan W. J. Convective plumes in the lower mantle // Nature. 1971. Vol. 230. P. 42-43.
5. Шпотова Л.В., Ушаков В.Н. Палеозойский щелочно-базальтовый вулканизм запада Южного Тянь-Шаня // Т.: Фан, 1981. – 150 с.
6. Диваев Ф.К., Юдалевич З.А. и др. Отчет по теме «Фациально-формационный анализ интрузивных (гранитоидных) образований Западного и Южного Узбекистана в свете их рудоносности» // Ташкент, 1984. – 572 с.
7. Ярбобоев Т.Н., Султонов Ш.А., Очилов И.С. Основные дайковые серии северной части Чакылкалянского мегаблока и их потенциальная рудоносность (на примере Яхтонского дайкового роя, Южный Узбекистан) // Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия, 2020. Т. 6. №11, С. 104-116.
8. Ярбобоев Т.Н., Очилов И.С. Условия размещения апокарбонатной золоторудной минерализации Чакылкалянских гор (Южный Узбекистан) // German International Journal of Modern Science (Deutsche internationale Zeitschrift für zeitgenössische Wissenschaft). №20 2021. VOL. 1. P. 10-14.
9. Ярбобоев Т.Н., Султонов Ш.А., Очилов И.С. Роль вмещающей среды в размещении апокарбонатного золотого оруденения Чакылкалянского мегаблока (Южный Узбекистан) // Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия, 2021. Т. 7. №6. С. 38-51.
10. Турапов М.К., Ярбобоев Т.Н., Очилов И.С. Основные особенности геологического строения Чакылкалянских гор в свете его перспектив на выявление апокарбонатного золотого оруденения (Южный Узбекистан). Annali d'Italia (Итальянский научный журнал) // Италия, 2021. - №24. - С. 22-35.